O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил, 23 август, шанба № 102 (1834). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 23 августа, 2003 г. № 102 (1834). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИ АМИР ТЕМУР ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вилоят аҳлининг мамлакатимиз тараққиёти ва салоҳиятини юксалтириш, барча тармоқларда ислоҳотларни изчил амалга ошириш йўлида фидойилик ва ташаббускорлик намуналарини кўрсатаётгани, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта ишларини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Андижон вилояти Амир Темур ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИ ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Хоразм элининг улуғ аждодларимизга хос мардлик ва жасорат, Ватанга муҳаббат ва садоқат анъаналарини муносиб давом эттириб келаётгани, мураккаб табиий шароитларда матонат хусусиятларини намоён этиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида юксак натижаларга эришаётгани, буюк тарихий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаб, дунёга машҳур этишда, ёш авлодимизни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Хоразм вилояти Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август.

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 22 август куни Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Фарит Мухаметшин ишонч ёрлиғи топширди.

Ўзбекистон—Россия муносабатлари узоқ муддатли стратегик ҳамкорлик тамойилларига таянади. Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида ўзаро ишончли мулоқотлар мунтазамлик касб этган, 6 август куни Ислом Каримов ва Владимир Путин Самарқандда учрашиб, Ўзбекистон — Россия муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилгани бунинг яққол тасдигидир.

Ислом Каримов Россия элчисини ушбу лавозимга тайинлангани билан қутлар экан, айни пайтда икки томонлама муносабатлар ўзининг янги палласига кираётганини, мамлакатларимиз олдида ҳамкорликни янги поғонага кўтариш вазифаси турганини таъкидлади. Бунинг учун, аввало, савдо-иқтисодий алоқалар кўламини имкониятлар даражасига мослаш зарур.

Ф. Мухаметшин ўзаро муносабатларни мамлакатларимиз манфаатларига мос тарзда ривожлантириш борасида куч-ғайратини аямасдан меҳнат қилишини таъкидлади.

***

Президент Ислом Каримовга Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Игорс Апокинс ҳам ишонч ёрлиғи топширди.

Ўзбекистоннинг Латвия билан муносабатлари барча соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасида самарали ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор барпо этилган. Савдо-иқтисодий алоқаларимиз кўлами ҳам ошиб бормоқда. Айни пайтда мамлакатимизда йигирмадан зиёд Ўзбекистон — Латвия қўшма корхонаси фаолият юритяпти.

Ислом Каримов Латвия элчисини янги шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан қутлаб, Ўзбекистонда бошлаётган фаолиятига муваффақият тилади.

***

Шу куни Президент Ислом Каримов Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Моҳд Заин бин Абу Бакардан ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Мамлакатларимиз жуғрофий жиҳатдан бир-биридан нисбатан узоқда жойлашганига қарамай, халқаро майдонда яқин ҳамкорлар сифатида ҳамжиҳат ҳаракат қилади. Хусусан, Ўзбекистон БМТнинг Хавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши каби нуфузли тузилмаларга Малайзиянинг номзодини қўллаб-қувватлаган. Малайзия раҳбарияти эса Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни катта ҳайрихоҳлик билан кузатиб, мамлакатимизнинг халқаро ташаббусларини ёқлаб келади.

Икки давлат ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини жадал ривожлантиришда. Малайзиянинг техникавий ҳамкорлик дастури доирасида ҳар йили ўзбекистонлик мутахассислар ушбу мамлакатда малака ошириб келади. Томонлар ахборот технологиялари, сайёҳлик ва меҳмонхона бизнесини ривожлантиришда ҳамкорлик кўламини оширишга киришган.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги муносабатлар қамрови кенгайиб, ривожланиб боравериши ишонч билдирди.

(ЎзА).

ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон тарихи Давлат музейида таниқли олим ва ёзувчи, публицист Поён Равшановнинг «Маънавият» нашриётида чоп этилган «Қашқадарё: истиқлол арафасида. 1986—1989 йиллар» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Китобда Ватанимизнинг истиқлол йўлидаги курашлар тарихида Президентимиз Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятида раҳбар бўлиб ишлаган даври билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар аниқ тарихий далиллар ҳамда ўша давр воқеаларига бевосита гувоҳ бўлган одамларнинг жонли хотиралари асосида баён этилган.

Тақдимот маросимида таниқли адабиётшунос олим О. Шарафиддинов, ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори А. Азизхўжаев, меҳнат фахрийси Э. Жалолов ва бошқалар сўзга чиқиб, мазкур китоб бугунги дориломон кунларга осонликча етиб келмаганимизни, мустақиллик матонатли, тенгсиз курашлар эвазига қўлга киритилгани ҳақида халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун истиқлолимиз тарихини теран англаб олишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов сўзга чиқди.

Олим НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Қўмондонликни топширишга тайёрланар эканман, терроризмга қарши глобал урушда эришган муваффақиятимизни фахр билан ёдга олмоқдаман. Афсуски, истеъфога чиққунимга қадар Сиз билан учрашиб, ўз минатдорлигимни шахсан изҳор эта олмадим.

Террордан жабр кўрган мамлакатлардан бирининг вакили сифатида, Сизга ва ҳамюртларингизга жасоратингиз ҳамда «Енгилмас озодлик» ва «Озод Ироқ» операцияларини қатъий қўллаб-қувватлаганингиз учун шахсан ташаккур айтмоқчиман. Бизнинг қўшма саъй-ҳаракатларимиз ва ривожланиб бораётган икки томонлама ҳарбий муносабатларимиз бундан буён ҳам минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб қолаверади.

Сўнгги бир неча йил мобайнида кўрсатган дўстона муносабатингиз учун Сизга яна бир бор ўз миннатдорлигимни изҳор этаман. Яна учрашувимизга қадар муваффақият, бахт-саодат ва равнақ тилаб билдирган эзгу тилакларимни қабул этгайсиз.

Эҳтиром билан,

Томми ФРЭНКС, АҚШ Қуролли Кучлари генерали.

Гранатомётчи оддий аскар Асрор Тангриев Шарқий ҳарбий округнинг аълочи посбонларидан. У Мустақилликнинг 12 йиллигига жанговар ютуқларини туҳфа этмоқда. Газетанинг иккинчи саҳифасида Асрор билан бир округда хизмат қилаётган жасур, мард ҳарбийларимизнинг иститқлолни, тинчлигимизни ҳимоя қилиш йўлидаги жанговар ҳаёти билан танишасиз.

Александр МРУЧАК суратга олган.

ҚАДРДОН ГЎША

● ЙИҒИН-ДАВОМ ЭТМОҚДА

Оила, маҳалла, Ватан

Оила — муқаддас даргоҳ. Дунёда бирор инсон йўқ-ки, оилани қадрдон билмаса.

Абдусаттор учун оиласи каби қадрдон бўлган икки гўша мавжуд. Биринчиси, ўзи ўқиб билим олган мактаби. У ҳар гал қишлоққа борганида синфдошлари билан мактабига албатта, боради. Болалигини, ширин хотираларини ёдга олади. Устозлари билан суҳбатлашиб ўтиради. Иккинчиси, Абдусаттор 11 йилдан буён хизмат қилаётган ҳарбий қисм. Қисм унинг ўз уйидай бўлиб қолган. Чунки шу ерда хизмат қилиб суяги қотди. Билмаганини билди.

Ҳозирда майор Абдусаттор Инамов алоқачилар батальонида штаб бошлиғи. У навбатчи хизматчиларни обдон текшириб, кейин тайинлайди. Шунга қарамасдан, эрта тонгда келиб хизматни қандай ўташаётганлигини яна бир бор назорат қилади.

Дастлаб бу ҳарбий қисмга келганида бақувват, ғайратли, аммо анча тажрибаси оз, бўй йигит эди. Энди-ликда қисмдаги малакали офицерлардан.

Ҳа, унинг ҳаёти ҳарбий қисм билан чамбарчас боғлиқ. Ўз ҳаётини қисмдан айро тасаввур қила олмайди. Шу сабабли бўлса керак, қисмда хизмат қилувчиларнинг барчаси унга қадрдон.

— Ёш аскарлар ва ҳарбий хизматчиларнинг билмаган нарсаларини ўргатишдан, уларга тегишли кўрсатмалар беришдан ҳеч қачон эринмайман. Чунки улар миллий армиямизнинг келажаги, уларни моҳир ҳарбий хизматчи этиб тарбиялаш эса бизнинг вазифамиздир, — дейди биз билан суҳбатда майор Абдусаттор Инамов.

Шу сабабли, бу ҳаракатчан, қатъиятли офицерни қисмда каттаю-кичик — барча ҳурмат қилишади. Буни унинг ҳамкасби майор Олег Шпиловнинг гаплари ҳам тасдиқлайди:

— Абдусаттор, тажрибали офицер бўлиш билан бирга-ликда, унинг ҳар бир ишга алоҳида масъулият билан ёндашиши ҳам барчага ёқади. Қисмимизда ички хизматни ташкил этиш ва жанговар тайёргарликдаги юқори даражаларга эришувимизда майор Абдусаттор Инамовнинг ҳиссаси катта.

Қисмда Мустақиллик байрамига бўлган тайёргарлик уни янада шижоат билан хизмат қилишга ундамоқда.

— Мен хизматга келган пайтимда эндигина миллий армиямиз ташкил топган эди. Мен мустақил Ўзбекистонимизнинг илк посбонларидан бири бўлганман. Бугунги кунда Ватанимиз армияси ҳар жиҳатдан жаҳон стандартлари талабига жавоб бера оладиган, профессионал армия бўлиб шаклланмоқда. Бунда ўзимнинг ҳам меҳнатим борлигидан фахрланаман.

Анвар ЮСУПОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

● С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

ОФИЦЕР ШТАБА

Не первый год встречаю на ответственных учениях офицера Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан капитана Вадима Абагяна и всегда поражаюсь тому, как этот сравнительно молодой офицер может и через несколько дней напряженной круглосуточной работы выглядеть подтянуто и бодро, сохраняет высокую работоспособность. Наравне с намного более опытными и заслуженными офицерами Объединенного штаба он мгновенно реагирует на все изменения в ходе выполнения учебно-боевых задач. Действующие там, у кромки вечных снегов подразделения спецназа потому и чувствуют себя уверенно, что постоянно ощущают, как чутко откликается руководство учений на все их трудности и проблемы.

Что бы ни случилось в горах—задержка с обеспечением в снаряжении, слишком быстрое выдвижение в заданную точку, потеря связи с одним из взводов — на все в штабе руководства учениями есть готовый ответ. Оно и понятно, ведь здесь к проведению очередных учений начали готовиться еще полгода назад, все рассчитали, все предусмотрели, в том числе и возможные неувязки. А для Вадима Абагяна выпускника Чирчикского ВТКИУ, дело облегчается тем, что именно здесь, в ЮЗОВО, проходило его командирское становление. Командир танкового подразделения, затем начальник топслужбы части, он с первых дней службы зарекомендовал себя как офицер, склонный именно к штабной работе. Оформленные им карты были настолько безупречны, что вскоре он уже работал офицером оперативного отдела части, а затем и старшим офицером оперативного отдела ЮЗОВО.

За время службы в ЮЗОВО Вадим Абагян настолько хорошо изучил театр военных действий, что теперь, приезжая сюда уже в качестве офицера Объединенного штаба, он без труда помогает организовать взаимодействие между частями и подразделениями Министерства обороны, а также приданными подразделениями других силовых структур. Конечно, учениями руководят более старшие начальники. Но им это намного легче делать, когда рядом хорошо разбирающиеся в обстановке, умеющие быстро и качественно оформить боевые документы, расторопные и творчески думающие помощники. К их числу относится и капитан Вадим Абагян, который, благодаря собственному трудолюбию и способностям, сумел реализовать себя, как творческую личность, именно в армии независимого Узбекистана.

На счету капитана В. Абагяна немало наград и благодарностей. Но самое главное сегодня, как он считает, это внести свой вклад в дело укрепления боеготовности наших Вооруженных Сил, достойно встретить двенадцатую годовщину независимости. И если в штабной палатке горит свет, другим военнослужащим можно спать спокойно, у офицеров штаба все под контролем, учения продолжаются успешно.

Подполковник Владимир КАЛОШИН.

ОТТАЧИВАЯ ТЕХНИКУ

Артиллерийское орудие — оружие коллективное. И орудийный расчет должен действовать в бою, словно часовой механизм, где каждый умело ведет свой ритм боя. На недавнем полевом выходе расчет младшего сержанта А. Толипова действовал на редкость уверенно, опережая время нормативов.

Из разных уголков Узбекистана собрались здесь воины-артиллеристы: наводчик рядовой Исамиддин Эльдаров из Ферганского вилоята, механик-водитель рядовой Дустмурод Ахроров—из Кашкадарьи, номера расчета рядовые Анвар Аллаяров и Шодмон Буриев — сурхандарьинцы. За короткий срок они сумели не только освоить свои воинские специальности, но и сплотиться, стать дружным воинским коллективом, целеустремленным и слаженным, нацеленным только на победу.

В этом немалая заслуга прежде всего младшего сержанта Ашура Толипова, недавно возглавившего этот небольшой воинский коллектив. До службы в армии Ашур увлекался точными науками. В родном кишлаке Бешарик Ферганского вилоята земляки знают его как большого знатока математики, химии и физики.

Осенью прошлого года он надел камуфляж и стал осваивать артиллерийскую науку—тактику современного боя. Надо отметить, что и в армии он преуспел — не только добился высоких результатов в освоении артиллерийского дела, но и стал младшим командиром, признанным лидером соревнования, чей расчет уверенно оспаривает накануне Дня независимости звание лучшего в подразделении.

— Мы с младшим сержантом А. Толиповым, — говорит рядовой Д. Ахроров, — впервые встречаем праздник независимости в армейском строю. Наш младший командир умеет хорошо настроить на боевой ритм подчиненных. Уверен — благодаря дружбе и сплоченности мы обязательно встретим 12-ю годовщину независимости в числе лучших.

Лейтенант Хасан МИРЗАЕВ, корр. «Ватанпарвара».

● ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

НАШ КУРС— СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЗАКОНОВ И УГЛУБЛЕНИЕ ДЕМОКРАТИИ

Каждый день нас приближает к 12-й годовщине независимости. Этот день — не просто праздник, это — точка отсчета нашей современной жизни. В канун Дня независимости пройдет очередная сессия Олий Мажлиса. Двенадцатая сессия Олий Мажлиса второго созыва начнет свою работу согласно постановлению Кенгаша Олий Мажлиса Республики Узбекистан 29 августа.

Предстоящая сессия парламента, несомненно, подведет итоги сделанному. Потому что каждый очередной год, прожитый в условиях независимости, — это новая ступень в нашем поступательном развитии по строительству правового, демократического государства, гражданского общества. Это, вместе с тем, и дальнейшее углубление реформ в стране, углубление демократических процессов на основе исторического референдума, состоявшегося 27 января 2002 года, когда народ Узбекистана проголосовал за двухпалатный парламент и изменение конституционного срока полномочий Президента с пятилетнего на семилетний.

В рамках реализации итогов референдума уже принятый парламентом Конституционный закон «Об итогах референдума и основных принципах организации государственной власти», Конституционные законы «О Сенате Олий Мажлиса Республики Узбекистан» и «О Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан», внесены изменения и дополнения в Конституцию Республики Узбекистан.

(Окончание на 3-й стр.).

Премьер-министр Великобритании Тони Блэр даст показания следствию по делу о смерти военного эксперта Дэвида Келли в следующий четверг. Лорд Хаттон, возглавляющий следствие, сообщил, что Блэр вызван в суд 28 августа, на следующий день после министра обороны Джеффри Хуна. Блэр даст показания по поводу событий, которые могли привести к смерти Келли. Именно данные Келли стали основой разгоревшегося скандала вокруг «иракского досье».

***

Грузия фактически находится перед угрозой объявления дефолта — страна не в состоянии обслуживать внешние долги. Об этом заявил журналистам в Тбилиси президент Национального банка Ираклий Манагадзе.

***

Выдвижение кандидатур на выборах мэра Москвы начнется после того, как выйдет специальное постановление Мосгордумы о дате выборов. Об этом сообщил журналистам председатель городской избирательной комиссии Валентин Горбунов по окончании заседания Мосгоризбиркома. По его словам, постановление Мосгордумы должно выйти не позднее 17 сентября. Горбунов напомнил, что дата выборов мэра столицы — первое воскресенье декабря — определена новым Избирательным кодексом Москвы, принятым городской думой в середине июля.

***

Министр иностранных дел Великобритании Джек Стро заявил, что целью террористов, организовавших взрыв у штаб-квартиры ООН в Багдаде, были простые иракцы. По его мнению, инцидент в Багдаде еще раз доказывает, что терроризм является глобальной проблемой.

«Никто не может утверждать наверняка, но, по-моему, террористы решили организовать взрыв у здания ООН, потому что их целью были интересы иракского народа. Сейчас ни у кого уже не осталось сомнений в том, что террористы действуют не только против США, Великобритании или Израиля. Это мировая война, и атака на штаб-квартиру ООН — это атака на международное сообщество, на весь мир, это атака на иракский народ», — заявил Стро.

***

Лидеры стран американского континента обсудят важнейшие социальные и экономические проблемы в ходе саммита, который состоится в январе 2004 года в Мексике. Об этом сообщила Организация американских государств (ОАГ). По мнению многих членов ОАГ, предстоящий саммит важен еще и потому, что на нем ожидается присутствие многих новых глав государств. С прошлого саммита, который проходил в 2001 году в Канаде, в странах американского континента сменились примерно треть из 34 лидеров.

***

Премьер-министр Палестины Махмуд Аббас осудил убийство израильскими войсками лидера ХАМАС и заявил, что эта атака затруднит его попытку обуздать боевиков. «Убийство Исмаила Абу Шанаба и его телохранителей является безобразным преступлением», — сказал Аббас журналистам в Рамалле. «Мы категорически осуждаем это действие, так как оно не служит миру».

***

Партию фальшивых американских долларов на общую сумму в 35 тыс. долларов изъяли сотрудники Киевского и Черниговского управлений Службы безопасности Украины и управление по борьбе с организованной преступностью МВД Украины в Киеве в ходе совместной операции.

***

Центральное командование США подтвердило арест Али Хасана Аль-Маджида, двоюродного брата Саддама Хусейна, известного как Химический Али. Он занимает пятое место в составленном американским командованием списке наиболее активно разыскиваемых иракцев.

(По страницам Интернета).

ИСТИҚЛОЛНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАЛҚОНЛАРИМИЗ

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАН ОҒИШМАЙ

ШАРҚИЙ ҲАРБИЙ ОКРУГ ҚЎШИНЛАРИ ҚЎМОНДОНИ ГЕНЕРАЛ-МАЙОР ҚОСИМАЛИ АҲМЕДОВ БИЛАН СУҲБАТ

Истиқлолнинг 12 йиллик тўйини округ қўшинлари шахсий таркиби қандай ютуқлар билан қарши олишаяпти?

— Энг улуғ, энг азиз байрамга посбонларимизнинг муносиб совғалари бор. Буни аввало, уларнинг Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар талабларидан келиб чиқиб, мардонавор хизмат қилишаётганида кўришимиз мумкин. Маълумки, Олий Мажлис IX сессиясида армиямиз профессионаллашуви йўлида муҳим қадамлар ташланди. Президентимиз — Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов армиямиз профессионаллашувининг устувор йўналишларини кўрсатиб берди. Ана шу йўналишлардан оғишмай шайликни ошира бораётганимиз ўз самарасини бермоқда. Яқинда десантчилар жамоасининг гуруҳ жанговар отиши деб номланган дала-ўқув машғулотини кузатдим. Сафларида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонун асосида хизматга чақирилган посбонлар билан гуруҳ машқни юксак даражада уддалади. Шу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, ислоҳотлар ўз йўлидан оғишмай бораяпти.

— Ўртоқ қўмондон, ислоҳотлардан сўз очдингиз. Айтингчи, улар самараси айнан сиз қўмондонлик қилаётган округда яна нималарда кўринади?

— Янги Қонунга кўра, янги хизмат тури — сафарбарлик чақируви резерви жорий этилганини биласиз. Унинг дастлабки ойлик ҳарбий йиғинидан сўнг янги хизмат турининг илк самаралари кўзга ташланди. Мазкур ойлик ҳарбий йиғинини ўтаган йигитлардан 40 дан зиёди шартнома бўйича хизмат қилиш, ҳаётини ҳарбий соҳа билан боғлаш хоҳишини билдиришмоқда. Янги хизмат турини тарғиб қилишда гап кўп. Ҳар бир тумандан ойлик йиғинни ўтаган икки нафар илғор йигитни ҳарбий либосда маҳаллаларига жўнатдик. Улар ўз туғилиб ўсган жойларида тенгдошлари, маҳалладошлари билан учрашувлар ўтказиб, янги хизмат тури, ойлик ҳарбий йиғин хусусида сўзлаб беришди. Бунинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда.

— Қисмлар бўлинмалар ва муассасаларнинг жанговар шайлигини ошириш, моддий ўқув базасини янгилаш йўлида нималар қилинаяпти? Бугунги кунда округдаги қайси ҳарбий жамоаларни мусобақа етакчиси дейиш мумкин?

— Давр талабига, мавжуд меъёрий ҳужжатлар талабига мос равишда жанговар шайликни доимо ошира боришга эътибор қаратаяпмиз. Режа асосида ўқув йилида мунтазам равишда полигонларда амалий машғулотлар ўтказиб келинмоқда. Махсус



йиғинларда турли мутахассисларнинг тажриба, кўникмаларини оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳарбийларимиз ривожланган мамлакатларда бўлишиб, илғор тажрибаларни ўрганиб келишмоқда. Моддий-ўқув базани такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни округимиздаги сержантлар тайёрлаш мактаби мисолида кўриб ўтсак. Замонавий компьютер синфи, ҳар бир ихтисосликка мослаб жиҳозланган ўқув хоналари талаб даражасида. Бу борада Мудофаа вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар томонидан кўрсатилаётган ёрдамни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Подполковник Зокир Муратов, майорлар — Бахтиёр Мискинов, Қобил Саидов, капитанлар — Қобил Боқижонов, Рустам Аҳмадалиевлар етакчилик қилаётган жамоалар посбонлари илғорликларини алоҳида айтиб ўтсак арзийди.

— Ҳарбий ислоҳотларни ҳаётга янада татбиқ этишда маҳаллий ҳокимият органлари, бошқа қуролли тузилмалар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик масаласи округда қандай йўлга қўйилган.

— Округимиздаги барча вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликлар изчил давом этмоқда. «Камолот», «Маҳалла», «Маънавият ва маърифат» каби жамоат ташкилотлари, Фарғона давлат университети билан ҳам алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган. Шу сабабли халқ ва армия якдиллиги тамойили ўзини оқлаяпти. Бир сўз билан айтганда, бу ҳамкорликларнинг бари ҳар томонлама баркамол, қалби миллий истиқлол ғоялари билан суғорилган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган ҳарбийларни шакллантиришга қаратилган.

— Энг улуғ, энг азиз байрам — Истиқлолнинг 12 йиллик тўйи арафасида сиз билан бир сафда турган Ватанимиз ҳимоячиларига, халқимизга қандай тилак, истаклар билдирардингиз?

— Байрам олдидан қувончли воқеалар кўп бўлаяпти. Мана, ёш лейтенантларнинг навбатдаги авлодини сафларга қўшаяпмиз. Улар билан суҳбатлашиб туриб, қалбимда фахр, ғурур ҳисси жўшди. Негаки, Қуролли Кучларимизнинг ёрқин келажаги бўла оладиган ҳарбийлар, улар. Профессионалларимиз — шартнома бўйича хизматчиларимизнинг бир гуруҳи олий ҳарбий билим юртларига ўқишга киришгани хусусидаги хушхабар янада кўнглимни кўтарди. Аввало ҳар бир кунимиз ана шундай қувончли воқеаларга бой бўлсин. Мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш йўлидаги эзгу ишларимиз ўз самарасини бераверсин. Юртдошларимни, посбонларимизни мустақиллик байрами билан қутлар эканман, уларга ҳамиша бахт, омад ёр бўлишини тилаб қоламан.

Мазкур саҳифада истиқлолимизнинг қудратли қалқони бўлишдек шарафли вазифани бажараётган ҳарбий округларимиздан яна бири — Шарқий ҳарбий округ қўшинлари ҳаётидан, уларнинг байрамолди тайёргарликаридан сўз очмоқчимиз

● ФАРҒОНА ГАРНИЗОНИ

Мудофаа чизиғидаги „жанг“

Ҳўш, посбоннинг байрамга муносиб туҳфаси нима бўлиши мумкин? Аскар ўз постида сергак, ҳушёр турса, жанговар вазифага масъулият билан ёндашса, шайлиги юксак даражада бўлса. Бу энди асосий омиллар. Хизмат сафари билан ушбу гарнизонга борганимизда аввало шу омилларга эътибор юксаклигини англадим.

Ҳали тушликкача бир оз вақт бор. Шундай бўлса-да, қуёш тафти куйдираман дейди. Полигонда эса навбатдаги амалий машғулот давом этмоқда. Қўмондонлик — бошқарув пунктидан машқни кузатаяпмиз. «Барчаси янги қонун асосида, баҳорги чақирувда сафларни тўлдиришган аскарлар. Айрим хато, камчиликлари бўлса, кўникмасизлик, тажрибасизликдан», дея изоҳ беради батальон командири капитан Сирожиддин Ибрагимов. Шартли душман қўшинига ёрдамчи кучлар келмоқда. Взвод командири катта лейтенант Шавкат Шодмонов қўмондонликдан буйруқ олиб, лейтенант Акбар Мирзараҳимов етакчилигидаги гуруҳга вазифа қўйди. Бунга кўра, гуруҳ мудофаага ўтиб, шартли душман ёрдамчи кучларини яксон этиши лозим. Десантчилар жанговар машинасига жойлашган посбонлар белгиланган маррага боришгач, ўз позицияларини эгаллашди. Бошқарув пунктидагиларнинг ҳам қўли қўлига тегмайди. Масалан, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Акмал Мўминов гуруҳ билан мунтазам алоқани таъминлаши керак. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ниёзбек Қамчиев эса машқ боришини, камчиликлар, нособликларни кузатади. Ўз вақтида бу ҳақда маълумот бериб боради. Нишонларни тайёрлаш, техник хавфсизлик қоидалари талаблари бажарилишини назорат этиш шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Алексей Бойко зиммасида. Бошқарув пунктига душман айғоқчилари кўрингани хусусида маълумот берилди. Уларга қарата гранатомётдан ўт очилиб, яксон этилди. Бироқ душман осонликча ён берадиган эмас. Жанг майдонига унинг зирҳли техникаси кириб келди. Қулай маррага жойлашиб олган десантчилар жанговар машинасидан душман зирҳли техникасига қарата ўт очилди. Мўлжалга бехато отилгани учун ортиқча уринишга ҳожат қолмади. Лекин бу ғалаба дегани эмас. Душман пиёдалари жангга ташланди. Шунда асосий кучларга қарши гуруҳдаги барча жанговар қуроллардан — гранатомёт, пулемёт, автоматдан олов ёғдирилди. Нонлож қолган ғанимлар ортга чекина бошлади. Шунқорларимиз ҳал қилувчи зарбани бериб, муваффақият қозонишди. «Белгиланган вазифани юксак даражада уддаладингизлар» дея батальон командирини қўлини сиқиб, миннатдорчилик билдирди. Мудофаа вазирлиги масъул офицери майор Ғайрат Жўраев.

Нишонга биринчи уринишдаёқ бехато отган посбонларни суҳбатга тортамиз. Оддий аскар Маҳмуд Хўжанов, гранатомётчи:

— 800 метр узоқликдаги нишонни аниқ мўлжалга ола билдим. Демак, назарий машғулотларда ўрганганларим зое кетмабди.

Унда ҳорғинлик аломатидан кўра, ютуғидан руҳланиш устувор эди. Ахир, юклатилган масъулиятни адо этди, топшириқни бажарди. Унинг сафдоши пулемётчи Санжар Рустамов ҳам натижаларидан кўнгли тўқ эди.

Йиғин шунчаки ўтказилаётгани йўқ

Майор Уктам Аслонов вақтинча командирлик вазифасини бажараётган жамоа ҳарбийларидан иборат маъмурият сафарбарлик чақируви резервидаги фуқароларга ойлик ҳарбий йиғин ўтишмоқда. Шароитлар талаб даражасида. Ҳўш, иштирокчиларнинг янги хизмат турига, йиғинга муносабати қандай? Давлат Шерматов Фарғона шаҳридан. Олий маълумот соҳиби. Йиғиннинг илк кунида саф тайёргарликларидан бир оз оқсаган. Қадамлар шахдам-шахдам чиқмади-да. Йигит ҳатто бир оз асабийлашди ҳам. Аммо тажрибали командирлар ўгитларига қулоқ тутиб, кўрсатмаларни аниқ бажарганда, бари рисоладагидек бўлди. Тез орада саф қўшиқларини ҳам ўрганиб олди. Давлат, мустақиллик рамзла-

ри бўйича ўтказилган ижтимоий-сиёсий машғулотда фаол қатнашди, йигит. Спорт, маданий тадбирларни айтмайсизми. Эртага ҳарбий Қасамёдни қабул қилади. Ҳарбий гувоҳномани қўлга олади. Йиғин кўз очиб-юмгунча ўтди-кетди, гўё. Аммо Давлат обдон ўйлаб қараса, шу қисқа муддатда ҳаёт мактабидан кўп сабоқлар олиб улгурган. Аввало Ватан ҳимоячисининг елкасида турган масъулиятнинг нечоғлиқ муҳим эканлигини англади.

Ёки Риштонда солиқ инспектори бўлиб ишлаган Музаффар Султонов мисолида олайлик. Тошкент молия институтини туғаллаган бу йигит туманда биринчилардан бўлиб янги хизмат турига олинган, шартнома имзолаган. Мана, ҳадемай йиғинни тугатиб, яна севимли ишини давом эттиради. «Баъзи дўстларим сингари муддатли ҳарбий хизматга бориб, Ватан ҳимоясига улуш қўшолмаяпман. Аммо йиғин тугагач, касбим, ишим орқали мустақилликни мустаҳкамлаш ҳисса қўшишга имконим бор», дейди у.

Жанговар, тактик, ижтимоий-сиёсий, саф тайёргарликларидан ташқари уларга тиббий тайёргарлик, аниқроғи биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича сабоқлар берилди. Санитария йўриқчилари шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Абдурашид Аҳмаджонов, Акмал Муйдиновларнинг бу борадаги хизматларини таъкидлаб ўтсак арзийди.

Йиғинда режа бўйича бўш вақт, дам олиш соатлари бўлди, албатта. Аммо йиғин иштирокчилари билан суҳбатлашсангиз, «бўш вақт бўлмади» дейишса ҳам ажабмас. Яъни, улар ана ўша бўш вақтларидан ҳам унумли фойдаланишди. Кимдир ҳаво-десант тайёргарлигидан қўшимча сабоқлар олди. Яна кимдир спорт шаҳарчасида шуғулланди.

Йиғинга ёш, тажрибали офицерлар, шартнома бўйича хизматчилар жалб этилгани унинг ютуғини таъмин этди. Улар қаторига катта лейтенант Равшан Азимов, Сарвар Мамаюсупов, лейтенантлар — Олим Муродов, Маҳмуд Юсупхонов, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Шуҳрат Сотилғонов, Ҳабибулло Хотамов, Улуғбек Мирзааҳмедовларни қўшиш мумкин.

● АНДИЖОН ГАРНИЗОНИ

Бобурлари қайтди юртига

Бу сарлавҳача моҳиятини мақоламиз давомида англаб оласиз. Ҳозир истиқлол нурларидан гуллаб-яшнаётган Андижондан бир оз сўз очсак. Вилоят марказига боргунча йўл бўйи ранго-ранг гулларни кўриб баҳри-дилингиз очилади. Бир-биридан гўзал, чиройли бинолар дилни нурафшон этади. Айниқса, замонавий андозаларга мос равишда бунёдга келган лицей, коллежлар биноларини айтмайсизми. «Ҳақиқий тўй бўладиган хонадонга ўхшабди», дейман ҳайдовчига шаҳар кўркидан баҳра олиб. Ана шундай бунёдкорона ишларимиз замирида энг катта бойлигимиз — тинчлик-осойишталигимиз ётибди. Ватаннинг Қуролли ҳимоячилари борки, юртда тўйу тантаналар бир-бирига уланмоқда. Келинг, уларнинг жанговар ҳаётларидан лавҳаларни кузатайлик.

... Тоғли ҳудудда «жанг» кескин тус олган. Шартли душманнинг террорчилар гуруҳи муайян йўналиш бўйича ҳаракатланаяпти. Бу ҳақда разведка маълумотлари бор. Взвод командири катта лейтенант Аҳадбек Ходжахонов гуруҳ командири лейтенант Расулжон Собировга жанговар топшириқ берди. Жанговар гуруҳ олдинги маррада мудофаа чизиғини ташкил этиб, душманнинг тўсатдан қилган ҳужумини қайтариши ва ортда турган жамоаси учун қулай шароит яратмоғи лозим. Дастлаб душман айғоқчилари кўринди. Уларни снайперлар бартараф этмоғи керак. Оралиқ масофа тахминан 800 метр. Гуруҳ командиридан буйруқ олган снайпер шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ғолибжон Мадаминов аниқ ҳаракат қилди. Ўқув мавсумининг бошида снайперлар йиғинида қатнашгани ўз самарасини берди. Пухта маскировка қилган посбон тўсатдан айғоқчиларга зарба бериб, душман кучларига парокандалик солди. Андижонлик шунқор вазифасини аъло даражада уддалади.

Оддий аскар Амирбек Ибраев ва оддий аскар Мансур Тошмуродовлар қалин дўст. Гранатомётчилар йиғинида ҳам бирга бўлишди. Ўқув машғулотида эса Амирбекка гранатомёт ёрдамида шартли душман пиёдаларига зарба бериш, Мансурга зирҳли техникани яксон этиш вазифаси қўйилди. Текширувчилар кузатувида ўтган мазкур машғулотда ҳар иккала посбон юз фоизлик натижани қўлга киритишди. Машқ тугаган ҳамоно қисм командири бу икки жасур ўғлонга Мустақилликнинг 12 йиллиги олдидан эришган жанговар ютуқлари учун саф олдида қисқа муддатли таътил эълон қилди.

Бу лавҳалар подполковник Шуҳрат Убайдуллаев командирлик қилаётган жамоа ҳаётидан. Мазкур жамоадаги ҳар бир посбоннинг жанговар тайёргарлиги ҳақида нимадир айтса бўлади, Бобурларинг қайтди Андижон, Бобурларинг қайтди, юртим.

Қўшиқ байрамида совриндор

Оркестр ўзининг куйлари билан дам олиш соатларини кўнгилли ўтказишга ёрдамлашади, дея ўйлайдиганлар хато қилишади. У куй-қўшиқлар орқали жанговар руҳни кўтаради, Ватанга муҳаббатни посбонлар қалбига сингдиради. Шартнома бўйича хизмат сержанти Файзулло Раҳмонов етакчилик қилаётган оркестр, унинг ҳузуридаги «Ватан» ансамбли ижодкорларининг машаққатли меҳнати ана шу мезонга асосланган. «Ўзбекистоним — Ватаним маним» қўшиқ байрами доирасида Мустақилликнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Мардлар қўриқлайди, Ватанни» умумармия қўшиқлари фестивали якуний босқичида саф қўшиқлари бўйича ансамбль хонандаси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Улуғбек Ҳусанов учинчи ўринга муносиб топилди. Бу мазкур жамоанинг ютуғи. «Турон ўғлони» дея номланган саф қўшиғи совринли ўринни олишида шеър муаллифи Саодат Исаева, мусиқа муаллифи сержант Ф. Раҳмоновларнинг хизмати беқиёс. «Азиз Ватаним», «Шерюраклар» каби қўшиқлар нафақат ҳарбийлар, балки кўплаб фуқароларнинг ҳам севимли қўшиқларига айланган. Вилоят марказидаги амфитеатрда истиқлол шодиёналари тантана билан нишонланади. Биз тилга олаётган оркестр эса ушбу тантанадаги ҳарбий блокда «Жон Ватан» номли қўшиғи билан чиқади. Қўшиқ ижросига дефиле, қўл жанги лавҳалари ҳамоҳанг бўлади. Шу ўринда оркестр созандалари шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Абдуваҳоб Ҳалимов, Мэлс Абдувалиевларнинг хизматларини ҳам таъкидлаб ўтсак. Ҳа, жанговар тайёргарликларда ҳам, санъатда ҳам намуна бўла оладиган ҳарбийларимиз бор.

Профессионал — етук мутахассис

Майор Рустам Раҳмонов етакчилигидаги бўлинмадамиз. Тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари капитан Маъруф Бегимов ҳамроҳлигида штабга кирарканман, бир нарса эътиборимни тортди. Кираверишда қаҳрамонларимиз, яъни Мустақиллигимиз ғанимларига қарши, бир гуруҳ халқаро террорчиларга қарши курашда шаҳид кетган биродарларимизга бағишлаб бурчак ташкил этилган. Бир лаҳза улар хотираси олдида бош эгаман. Бир ёнда Сайёр, бири Дониёр, бир ёнда Алишеру бир ёнда Эломон. Уларни тилга олганим сайин бўғзимга бир нарса тиқилади. Ҳар бири марду майдон ўғлонлар. Қабрингизда тинч ётинг. Сизни сафдошларингиз ҳеч қачон эсдан чиқаришмайди.

Профессионаллар жамланган бу жамоада ана шундай кайфиятда ишимни бошладим. Взвод командири, тажрибали офицер капитан Володя Бегматов билан қисқача суҳбатда посбонларнинг профессионаллашувидаги омилларга эътибор қаратдик.

— Замонавий жангнинг талаблари бошқача. Бунда аввало сон эмас, сифат устувор. Ихчам, тезкор гуруҳ ҳал этади барини. Масалан, снайперга кўп нарса боғлиқ. Дейлик, снайпер душман етакчисини йўқ қилса, ютуқ нақд деяверинг. Бундан келиб чиқиб айтмоқчиманки, ҳар бир мутахассис ўз соҳасининг асл профессионали бўлиши керак, — дейди жумладан у.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Авазбек Солихонов халқаро террорчиларга қарши курашдаги матонати учун «Жасорат» медали билан тақдирланган. Уни профессионал сифатида тўла шаклланган дея оламиз. Бугунги кунда Авазбек взвод старшинаси. Сафдошларига тажрибали, маҳоратини ўргатаяпти. Айниқса, миномёт билан тиллашишда унга тенг келадигани йўқ.

Ҳар қандай замонавий қурол-аслаҳа билан моҳирона ишлай оладиган, ҳар томонлама баркамол бу профессионаллар ислоҳотларимиз мевасидир.

● НАМАНГАН ГАРНИЗОНИ

Тарғиботда гап кўп

Шаҳардаги ўзгаришлардан сўзлайман десам, асосий мавзудан четга чиқаман, деб қўрқаман. Аммо истиқлол айёми олдидан фойдаланишга топширилган бир муҳим иншоотдан сўз очмасам бўлмас. Бу шаҳар марказида қуриб, битказилган ёшларнинг кўнгилочар мажмуаси. Кундузи эътибор бермабман. Тунда ёнидан ўтаётиб, гўё Америкада юргандек сездим ўзимни. Замонавий аквапарк, турли аттракционлар, боулинг мажмуи. Қай биридан сўз очишни билмайман. Яхшиси, ўзингиз бир қадам ранжида қилиб, шаҳар чиройига чирой қўшган бу гўзал мажмуани зиёрат қилинг.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасига борганимда

кечкурунга яқинлашиб қолганди. Навбатчидан вазиятни ойдинлаштираману эрталаб ишни бошлайман, дея ўйладим. Бироқ менга керакли офицер ҳалиям шу ерда экан. «Полковник Ҳидиров барчамизга ўрнак бўладиган офицер. Ишини жуда яхши кўради. Деярли ҳар куни кечгача ишлаб ўтиради» изоҳ берди навбатчи. Дарвоқе, полковник Ҳасанжон Ҳидиров вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг сафарбарлик чақируви резерви бўлими бошлиғи. Ўзимни таништириб, мақсадимни айтгач, тажрибали бу офицер янги хизмат тури тарғиботи ҳақида узоқ гапирди. Маҳалла-кўйда, ўқув масканларида, қишлоқ фуқаролари йиғинларида бўлиб, аҳоли ўртасида олиб борилган ташвиқот ишларидан сўзлади. Бу борада давлат, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликлар самарасидан ҳам. Пул бадаллари ўз вақтида тўланмоқда. Ойлик ҳарбий йиғин янги дастур асосида сифатли ўтиши учун айнан мудофаа ишлари бошқарма, бўлимлари томонидан муҳим ишлар қилинаётир. Полковникнинг кабинетида ганчдан пухта ишланган чиройли гербларни кўрдим. Маълум бўлишича, у йиғин ўтаётган қисмга бериш учун тайёрланган экан. Туман, шаҳарлар ҳокимликлари йиғин учун спорт жиҳозлари, турли маиший жиҳозлар сотиб олишга маблағ ажратишган. Йиғин иштирокчиларининг туманлар бўйича энг фаолларидан ҳар икки нафарига йиғин тугагач, ҳарбий либос берилиб, улар маҳалла-кўйда тенгдошларига янги хизмат турини тарғиб этишмоқда. Чортоқ туман мудофаа ишлари бўлимида ана ўша фаоллар билан танишдик. Акмалжон Давлатов туманнинг Мучум қишлоқ фуқаролар йиғинидан. Илк ойлик ҳарбий йиғинини тугатиб, ҳарбий либосда уйига келгач Мучум, Навоий маҳалласида, Кораскон қишлоқ фуқаролар йиғинида туман мудофаа ишлари бўлими вакиллари билан учрашув ўтказди. Тенгдошлар, маҳалладошлар Акмалжоннинг ўз оғзидан янги хизмат тури, ойлик ҳарбий йиғин ҳақида эшитишди. Мўйлаби сабза урган йигитларда ҳосил бўлган қизиқиш, ҳавасни кўяверинг энди. Абдужалил Қўзиевга ҳам ана шундай ишонч юклатилди. У Гулшан, Алихон қишлоқ фуқаролар йиғинида шундай учрашувлар ўтказди. Эҳ-ҳе, савол-жавобларнинг кўплигини айтмайсизми. Энг муҳими бу йигитларнинг иккаласи ҳам шартнома бўйича хизматга, боришга, сержантлар тайёрлаш мактабида ўқишга ҳужжат тайёрлашмоқда. «Ойлик йиғинни ўтаганлардан яна беш нафаридан ана шундай ният уйғониб, ҳозирда ҳужжат тайёрлашаётир», дейди туман СЧР бўлинмаси бошлиғи катта лейтенант Набижон Қодиров. Полковник билан суҳбатдан сўз очиб, мавзудан чалғидим, деб ўйламанг. Сўзлаганларимиз бари унинг фаолияти билан боғлиқ. Негаки, бу ишларнинг бошида унинг ўзи турибди. Қонун моҳияти, янги хизмат тури моҳияти билан кишиларни яқиндан таништириш баробарида халқ ва армия якдиллигини янги босқичга олиб чиқаётган бундай офицерлардан фахрланмай бўларканми.

Ҳокимнинг эътибори

Сержантлар тайёрлаш мактабига бораётиб, Чортоқ туман мудофаа ишлари бўлимига кириб ўтишни маъқул топдим. Буни қарангки, туман ҳокими Муроджон Ҳасанов ҳам шу ерда экан. Ахир, олдинда кузги чақирув эшик қоқмоқда. Таъмирлаш ишлари, чақирув пунктини созлаш ишларини кўздан кечириш керакда. Ҳоким, туман мудофаа ишлари бўлими подполковник Муродилла Эргашев ҳамроҳлигида таъмирталаб жойларни кўздан кечирдик. Ҳоким кўрсатмалар, маслаҳатлар берди. Чақирувни янада сифатли ўтказишда кў-

лидан келадиган барча ишни қилажагини айтди. Туман раҳбари сержантлар тайёрлаш мактабига ҳар куни камида икки бора қадам ранжида қилиб, у ердаги бунёдкорлик, ободончилик ишларини шахсан кузатаркан. Ҳа, ана шундайин ҳокимлар бор экан, Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар олға силжийверади.

Сержантлар тайёрлаш маскани

Шарқий ҳарбий округнинг сержантлар тайёрлаш мактабига Президентимиз ташрифидан сўнг, профессионаллар тайёрловчи бу масканда муҳим ўзгаришлар бўлди. Мактаб бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Эркин Ширинов ҳамроҳлигида компьютер синфларини кўздан кечирдик. Иккита компьютер хонаси Мудофаа вазирлиги ва вилояти ҳокимлиги ёрдамида ташкил этилган. Марказий банкнинг вилоят бошқармаси инспектори бир ойлик курс давомида мактаб офицерлари, инструкторларига бу замонавий компьютерлар билан ишлаш сирларини ўргатди. Ўқув курси ҳам яна давом этади. Айни пайтда АҚШдан келган икки сержант Андре ва Руис Раймондолар бўлғуси профессионалларимизга сержант етакчилиги бўйича машғулот ўтишаяпти. Тест маҳали шунқорларимиз асосан 4, 5 баҳолар олишиб, уларни ҳайратлантиришди. Курсантларимизнинг билими, тажрибаси кам эмас. Гап бу ерда илғор тажрибалар билан ўртоқлашишда.

Ўқув маскани офицерлари ривожланган мамлакатлар сержантлар тайёрлаш мактабларида бўлишиб, мунтазам тажриба алмашишмоқда. Масалан, подполковник Дилмурод Тешабоев Туркияда, подполковник Акмал Икромов Германияда, подполковник Шокир Далимов, майор Убайдулла Ғойипов АҚШда бўлиб қайтишди.

Офицер-ўқитувчилар дарслик, қўлланмаларни давлат тилига ўгиришга ҳаракат қилишаётгани қувонарли ҳол. Масалан, артиллерия цикли бошлиғи Валижон Юсупов соҳаси бўйича иккита қўлланма тайёрлади.

Умуман, ўқув масканида ўзгаришлар бир талай. Ҳали бу хусусда алоҳида тўхталамиз. Пировардида шуни айтмоқчи эдимки, бу ерда Мустақилликнинг 12 йиллигига 76 ўринли ётоқхона, офицерлар учун 16 ўринли уй фойдаланишга топширилиши кузатилаяпти.

Округ бўйлаб сафарим давомида ислоҳотлар бераётган кўплаб меваларни кўриб, кўнглим кўтарилди. Бу биз танлаган йўл тўғри эканлигини яна бир бор эътироф этади.

Капитан **Алижон САФАРОВ**, **«Ватанпарвар» мухбири.**
Александр МРУЧАК суратга олган.

Суратларда: **1. Орудия командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шерзод Аҳмедов жанговар вазифани бажармоқда. 2. Батарея техниги кичик сержант Тоҳир Эргашбоев истиқлол айёмини ютуқлар билан кутиб олаётганлардан. 3. Тарбиячи офицер майор Шавкат Пардаев фаол посбонлар билан байрамга ҳозирлик бўйича суҳбатлашмоқда.**

Военно-политические новости

ПРИЗЫВ К...

Белый дом призвал Израиль к совместной работе с Палестиной в борьбе с терроризмом. «Израиль имеет право самообороны, однако Израиль должен понимать эффект, который подобные действия произведут на мирный процесс», — сказал пресс-секретарь Белого дома Скотт Макклеллан. «Это важно для обеих сторон вернуться к переговорам друг с другом. Важно для сторон работать вместе над решением этих вопросов», — отметил он.

«МЕРТВЫМ В ЛЕСУ»

Военный эксперт Дэвид Келли предсказал свою смерть за шесть месяцев, сказав английскому дипломату Дэвиду Браучеру, что если Багдад будет атакован, он будет найден «мертвым в лесу». Об этом сообщил Браучер на расследовании смерти Келли в лондонском суде. Браучер спросил Келли, что случится, если начнется вторжение в Ирак. «Его ответ, который я принял за непродуманное замечание, был: «Я буду найден в лесу».

ВЕЛИКА ВЕРОЯТНОСТЬ...

В США велика вероятность повторения теракта 11 сентября. Такие выводы на основе своих исследований сделали эксперты Центра исследования мирового рынка, базирующегося в Лондоне. Всего была проанализирована ситуация в 186 странах мира. В первую пятерку вошли Колумбия, Израиль, Пакистан, США и Филиппины. По мнению исследователей, наименее вероятна организация терактов в Северной Корее, эта страна занимает последнее место в списке.

«Исследование показало, что вероятность повторения теракта 11 сентября в США весьма велика. Хотя в Америке базируется намного меньше исламистских радикальных группировок, чем в Западной Европе, но террористы гораздо более враждебно настроены по отношению к США, чем к другим странам. Теракты возможны не только на территории страны, но и против американских объектов за границей», — говорится в докладе.

КРУПНЫЙ ТАЙНИК

Российские пограничники обнаружили на таджикско-афганской границе крупный тайник с боеприпасами. Как сообщили в пресс-службе российской погрангруппы ФСБ России в Таджикистане, в тайнике, обнаруженном накануне на участке Калай-Хумбского пограничного отряда (250 км восточнее Душанбе) на удалении 75 км от трассы Душанбе—Хорог, находилось около 350 единиц боеприпасов, среди которых мины и выстрелы к гранатометам. Боеприпасы, длительное время находившиеся под открытым небом, нетранспортабельны и будут уничтожены на месте инженерно-саперным подразделением.

«ФАВОРИТ», «ПЕЧОРА-2А» И...

НПО «Алмаз» больше не будет принимать участие в авиасалонах МАКС. Об этом сообщил журналистам генеральный директор НПО Игорь Ашурбейли. По его словам, это последний МАКС, где «Алмаз» представляет свою продукцию. На нынешнем МАКСе НПО «Алмаз» представляет мобильную многоканальную зенитную ракетную систему «Фаворит», предназначенную для обороны объектов от ударов авиации, крылатых ракет, тактических и оперативно-тактических баллистических ракет в условиях интенсивного радиопротиводействия. Также НПО «Алмаз» демонстрирует ЗРК с расширенными боевыми и эксплуатационными возможностями «Печора-2А», интегрированный программный комплекс «Лямбда+». Среди новинок также перспективная лазерная система ПВО.

КОНЕЦ ПЕРЕМИРИЮ

Как сообщила телекомпания СНН, из договора о перемирии, заключенном около семи недель назад между Тель-Авивом и палестинскими вооруженными организациями, вышла группировка «Бригады мучеников Аль-Аксы». Ранее о своем выходе заявили организации ХАМАС и «Исламский джихад». Эти сообщения последовали за убийством израильскими войсками члена организации ХАМАС Измаила Абу Шанаба в Газе.

(По страницам Интернета).

НАШ КУРС — СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЗАКОНОВ И УГЛУБЛЕНИЕ ДЕМОКРАТИИ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Логическим продолжением начатых процессов явится нынешняя сессия, предварительная повестка дня которой включает в себя 13 вопросов. Кроме того, на сессии предполагается вынести на обсуждение депутатов и другие вопросы, входящие в компетенцию Олий Мажлиса. Все вопросы повестки дня можно условно разделить на три основных блока.

Первый блок вопросов связан с подготовкой к 12-й годовщине независимости, что найдет отражение при обсуждении всех вопросов повестки дня. Но основу его составляет вопрос «Об исполнении Государственного бюджета Республики Узбекистан за первое полугодие 2003 года». Исполнение Государственного бюджета — основной показатель здоровья экономики государства. Об итогах социально-экономического развития страны за первое полугодие мы уже знаем из доклада Президента страны И. А. Каримова на заседании Кабинета Министров Республики Узбекистан, посвященном этому вопросу. Что здесь главное? В стране продолжалась тенденция устойчивого экономического роста, последовательно осуществлялись преобразования во всех сферах жизни нашего общества, укрепилась макроэкономическая и финансовая стабильность, продолжался процесс приватизации и разгосударствления, развития малого и среднего бизнеса, частного предпринимательства. И что особенно важно — в первом полугодии Государственный бюджет был исполнен с профицитом в 0,5 процента.

Исполнение Государственного бюджета уже обсуждалось в комитете Олий Мажлиса по бюджету, банковским и финансовым вопросам. На предстоящей сессии парламента депутаты подробно обсудят этот вопрос и внесут свои конкретные предложения.

Второй блок вопросов связан с реализацией итогов референдума 27 января 2002 года. Этот процесс, как показывает прошедший период, набирает силу. И двенадцатая сессия обсудит прежде всего такие законопроекты, как «О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан» (новая редакция), который рассматривается во втором чтении, «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О выборах в областные, районные и городские Советы народных депутатов», «О регламенте Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан», «О регламенте Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан», «О Кабинете Министров Республики Узбекистан» (новая редакция).

Уже по названиям этих законопроектов отчетливо прослеживаются два основных направления в законотворческой деятельности наших депутатов. Во-первых, в полном объеме реализовать итоги референдума, как важнейшего политического этапа в жизни государства. И во-вторых, всесторонне подготовиться к предстоящей в совсем недалеком будущем предвыборной кампании. Задача эта огромной политической важности. Проходить она будет на новом этапе развития нашего государства, который будет характеризоваться возросшим значением и ролью политических партий и, естественно, повышением политической активности избирателей.

А все это потребует новых усилий как со стороны государства, так и со стороны общества. Как сказал на одиннадцатой сессии Олий Мажлиса второго созыва Президент И. А. Каримов: **«Нам всем придется изучать и на практике реализовывать систему баланса сил, систему сдержек и противовесов между, в первую очередь, законодательной, исполнительной и судебной властью, без чего немыслимо существование демократического государства».**

Третий блок вопросов связан с углублением реформ в условиях рыночных отношений, с дальнейшим совершенствованием правовой базы реформ. Среди законопроектов этого блока следует отметить прежде всего проекты Законов «Об общественных фондах» и «О банковской тайне», которые рассматриваются во втором чтении. Значение этих правовых актов огромно. Общественный фонд является одной из организационно-правовых форм негосударственных некоммерческих организаций. Это одна из важнейших структур гражданского общества, создающаяся для осуществления общественно - полезных целей. Но поскольку Общественный фонд не имеет членства, но аккумулирует в себе финансовые средства, его деятельность нуждается в точной правовой регламентации и общественном контроле. Все эти вопросы были предметом детального обсуждения на одиннадцатой сессии Олий Мажлиса, и законопроект был вынесен на всенародное обсуждение. С учетом поступивших предложений и поправок двенадцатая сессия парламента после детального обсуждения планирует принять Закон «Об общественных фондах».

Важное значение имеет и законопроект «О банковской тайне». Действующие в настоящее время нормативно-правовые акты не обеспечивают достаточно эффективного функционирования института банковской тайны. В законопроекте устанавливается четкий регламент предоставления банками сведений, меры защиты информации о счетах, вкладах, операциях клиентов. Новый закон призван повысить уровень доверия населения к банковской системе, что имеет немаловажное значение в условиях рыночных отношений.

На обсуждение депутатов выносится проект Закона Республики Узбекистан «О частном предприятии» (первое чтение). Значение этого законопроекта трудно переоценить. В условиях рыночных отношений и развитой рыночной экономики он значительно упрочивает правовое положение частного предприятия, расширяет его сферу деятельности и выступает надежным инструментом защиты института частной собственности.

В предварительную повестку дня двенадцатой сессии Олий Мажлиса включены также вопросы: о проекте Закона Республики Узбекистан «О защитных мерах, антидемпинговых и компенсационных пошлинах» (первое чтение), о проекте Закона Республики Узбекистан «Об информатизации» (первое чтение) и о проекте Закона Республики Узбекистан «Об электронной цифровой подписи» (первое чтение).

Кроме того, депутаты рассмотрят также проект Закона «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан». Этот закон направлен на дальнейшее совершенствование нашего национального законодательства с учетом реалий быстро меняющейся жизни и учета потребностей и интересов граждан.

Координировать и оперативно решать все вопросы, связанные с подготовкой и проведением двенадцатой сессии Олий Мажлиса второго созыва, призвана созданная под руководством заместителя Председателя Олий Мажлиса Республики Узбекистан Б. Бугрова депутатская рабочая группа. Со дня ее создания она активно приступила к работе. Особое внимание члены депутатской рабочей группы уделяют подготовке проектов документов, вносимых на рассмотрение парламента, организации своевременного вручения сессионных материалов депутатам, обобщению поступающих предложений и замечаний, обеспечению регулярного освещения хода подготовки и проведения сессии в средствах массовой информации, надежности электронной системы голосования, синхронному переводу выступлений, аккредитации журналистов и другим вопросам, связанным с работой сессии Олий Мажлиса.

Подводя итог сказанному, можно констатировать, что двенадцатая сессия Олий Мажлиса второго созыва — это прямое продолжение политики государства по реализации стратегической программы развития страны, разработанной Президентом И. А. Каримовым. Это — практическое воплощение курса на дальнейшую демократизацию общества, либерализацию экономики и всех сторон нашей общественной жизни. Это наши реальные шаги по строительству правового, демократического государства, гражданского общества.

А. КУРГАНОВ.

● ЭКОЛОГИЯ ВА БИЗ

Овлоқ қишлоқлар учун безиён энергия

Республикамиз мустақиллиққа эришганидан сўнг атроф-муҳит муҳофазасига оид сиёсат ва қонунчиликни ислоҳ қилиш, шу соҳа билан машғул ташкилотлар фаолиятини мукаммаллаштириш учун кенг кўламли чоратадбирларни амалга оширабошлади. Барқарор ривожланиш бўйича миллий стратегия ва Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон бир қанча халқаро битим ва конвенцияларга қўшилиб, халқаро миқёсда ўз зиммасига мажбуриятлар олган.

Ўзбекистон халқаро миқёсдаги конвенцияларга қўшилиш билан бир пайтда мамлакат миқёсидаги ҳужжатларни тайёрлаш ва тасдиқлаш жараёнини ҳаётга татбиқ этишга тайёр ҳолга келди. Айни шу ўринда Ўзбекистонда қилинаётган ишларни халқаро мезонларга мос келадиган даражада бажарилишини таъминлаш учун 2002 йил бошидан БМТнинг Тараққиёт Дастури (БМТТД) ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қўшма Атроф-муҳит Дастури ташкил этилди. Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мамлакатда атроф-муҳитни асраш ва ундан фойдаланишни бошқаришга масъул асосий ташкилот сифатида мазкур дастурни амалга оширмоқда. БМТТД Дастурга 600000 АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган. Айни пайтда Атроф-муҳит Дастури доирасида амалга оширилган, татбиқ этилаётган ва режаланаётган бир қанча лойиҳалар мавжуд. Шулардан бири қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш йўлида: Қорақалпоғистоннинг овлоқ қишлоқларида қуёш энергиясидан фойдаланиш лойиҳаси. Ушбу лойиҳа низоми тайёрланган ва Нордек Фондга йўлланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини экологик минтақаларга бўлиш тизими хулосасига кўра Қорақалпоғистон фавқулодда экологик минтақа ҳисобланади. Республика макроиқтисодиёт ва ҳисобот вазирлигининг маълумотларига кўра мамлакатда 1,5 мингдан зиёд аҳоли яшаш жойлари жуда овлоқ ва етиш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган. Улар мамлакат миллий электр тармоғига уланмаган ҳамда тоза ичимлик суви таъминотини бошдан кечирмоқда. Бу қишлоқларнинг овлоқлиги ва аҳолини камлиги учун уларга электр тармоғи тортиб бориш режалаштмаган, чунки бу иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Шу боис, мазкур қишлоқларда аҳоли турмуш даражаси пастлигича қолиб келмоқда, ижтимоий инқироз кучайиб, кишилар ўз туғилган жойларини ташлаб шаҳарларга кўчиб кетмоқда. 16100.5 минг га ерга ва 1418,1 минг аҳоли нуфузига эга Қорақалпоғистон Республикасида бу ҳол, айниқса, кўзга яққол ташланмоқда.

Мавжуд ҳолат ҳамда БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конвенциясига киритилган Киото протоколидан келиб чиқадиган мажбуриятлар Ўзбекистонда безиён (қуёш, шамол ва сув) энергиядан фойдаланишга қаратилган фаолиятини кучайтириб юборди.

«Қуёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси ФА физика-техника институти, ЎзР ФА энергетика ва автоматика институтларида кўпдан буён қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу соҳада биринчилардан деб республика фан ва технологиялар Маркази қошидаги технологиялар тарқатиш Агентлигини (АТТ) кўрсатиш мумкин. Бевосита унинг иштирокида ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган олтита тажриба фотоэлектр станциялари (ФЭС) 2000 йилдан бери ҳар хил мақсадларда Самарқанд, Бухоро ва Жиззах вилоятлари чорвачилик хўжаликларида ишламоқда. ФЭСлардан хўжаликларда маиший мақсадларда, сув чиқариш, чорва қирқими мавсумида фойдаланилади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, хўжаликларда электр ва сувнинг етарли миқдорда бўлиши фермерлар учун янги имкониятлар очди. Айниқса, аёллар ва болалар учун республикамиз ва оламдаги янгиликлардан бохабар бўлиш, ўз-ўзини нафақат чорвачилик балки сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистонда бир йил давомидаги қуёшли кунлар 260 кунга тўғри келади. Радиация оқими зичлиги бир метр квадратга 1,34—1,45 КВ. Қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида энг катта имконият ҳам Қорақалпоғистонда кузатилган. Бу ерда ишга солиш мумкин бўлган қуёш энергияси 19.548 миллион тонна нефтга тенгдир.

Ушбу лойиҳадан қуйидаги натижалар кутилмоқда: Қорақалпоғистон Республикасининг овлоқ қишлоқларида камида йигирма бешта фотоэлектр станциялари ўрнатиш. Фотоэлектр станцияларининг ўн бештаси маиший мақсадлар — ёруғлик, радио, оқ-қора телевизордан фойдаланиш учун электр энергияси етказиб беради. Қолган ўнта фотоэлектр станциялари чорва учун қудуқлардан сув тортиш учун хизмат қилади.

Бундан ташқари, камида йигирма беш киши фотоэлектр станцияларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун махсус тайёргарликдан ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, БМТнинг Тараққиёт Дастури атроф-муҳит муҳофазасини ўзининг Ўзбекистондаги фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаганлиги ушбу лойиҳа мисолида яққол акс этган.

Инобат ИБРОҲИМОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

Новости науки и техники

ПЕРВАЯ ЛАТИНОАМЕРИКАНСКАЯ

Бразилия может стать первой латиноамериканской страной, которая запустит собственную ракету в космос со стартовой площадки, расположенной в джунглях Амазонки. На базе Алькантара около 800 экспертов и военнослужащих работают над подготовкой к запуску 20-метровой ракеты. «25-го (августа) мы будем готовы приступить к запуску», — сказал главный координатор проекта. Однако точная дата запуска пока не определена.

ПЛАНИРУЕТСЯ ЗАПУСК

Предварительная дата начала запусков шаттлов к Международной космической станции (МКС) американской стороной определена на 12 марта 2004 года. Об этом глава Росавиакосмоса Юрий Коптев сообщил на авиасалоне МАКС-2003. Предполагается, что к станции отправится «Атлантис» — один из трех оставшихся в целости шаттлов, сказал Коптев. Полеты были прекращены после катастрофы шаттла «Колумбия» 1 февраля этого года. Россия в 2004 году планирует отправить к МКС пять грузовых кораблей «Прогресс» и два пилотируемых корабля «Союз», сообщил Коптев.

ШКОЛЫ: ПОЛНЫЙ РАБОЧИЙ ДЕНЬ

Большинство московских школ через год перейдет на режим полного рабочего дня. В течение предстоящего учебного года практически все 1560 столичных школ будут обеспечены необходимыми помещениями для детей, педагоги пройдут переподготовку. Как сообщил руководитель пресс-службы Комитета образования Москвы Александр Гаврилов, такое решение принял Комитет образования правительства Москвы. По словам Гаврилова, эта мера направлена на то, чтобы занять досуг детей во внешкольное время и оградить их от влияния улицы. Гаврилов отметил, что увеличение времени, проводимого в школе, не означает увеличения школьной нагрузки. При этом, находясь в школе до 19—21 часа, ребенок не сможет самовольно уйти домой, для этого потребуется письменная просьба родителей.

МЕНЮ НА ТЫСЯЧУ ЛЕТ... НАЗАД

Археологи из Каира нашли фрагмент стола для жертвоприношений, принадлежащего египетскому лекарю, жившему 4000 лет назад.

На его алебастровой поверхности сохранилось множество мелких надписей и знаков. Ученые установили, что они обозначают пищу, которую употреблял египтянин. Таким образом он находил наиболее полезные сочетания продуктов, составлял диеты, рекомендовал их своим больным.

ПОСЕТИТЕ «КЛОНИРОВАННЫЙ» ЗООПАРК

Ученые одного из университетов штата Техас создали необычный зоопарк, в котором находятся исключительно клонированные животные. В нем уже 20 обитателей — поросята, два устойчивых к различным заболеваниям бычка, а также молодая коза. Недавно появились клонированные собаки. Как выяснилось, именно они оказались самыми устойчивыми к клонированию животными. Что касается кошек, то клонированный котенок, надеются американские исследователи, появится на свет уже очень скоро.

ПРОПАГАНДА ПОМИДОРОВ

Американские эксперты заявили, что помидоры — самое мощное оружие против сердечных недугов и раковых заболеваний.

Секрет «томатной» силы заключается в высоком содержании ликопина — пигмента, который и делает эти овощи красными. В состав ликопина входят вещества, предотвращающие загустение крови и развитие тромбов. Люди с низким уровнем ликопина в организме в три раза чаще страдают от инсультов, инфарктов и сужения каротидной артерии.

Помидоры снижают давление и уровень так называемого плохого полестерола в крови. Причем ежедневное употребление всего 60 миллиграммов томатов в течение 3 месяцев снижает содержание полестерола на 14 процентов. Съедая 10 порций салата из помидоров в неделю, человек сокращает риск заболевания раком на 45 процентов. В последнее время помидоры стали самым модным продуктом у диетологов.

(По страницам Интернета).

● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Офицер Зулфиқоровнинг орзулари

Орзулар одамга қўш қанот. Юракка куч-қувват, шижоат бахш этади, кўзланган манзиллар, мақсадлар сари элтади. Катта лейтенант Зулфиқоров ҳам узоқларни кўзлаб сафарга чиққан навқирон бир йўловчи. Офицерлик, ўз юрти, халқига ҳалол хизмат қилиш, фидойилик унинг ҳаёт мазмуни.

Қалбида ҳарбий бўлиш иштиёқи туғилганида ҳали мактаб бўсағасига қадам босмаган жажжи болакай эди. Уйларига тезтез келиб турадиган амакининг фуражкасини кийиб олиб, қад ростлашлари, шахдам қадам ташлаб юришлари, қўлини чаккасига қўйиб дадаси билан ҳарбийча саломлашганлари ҳамон хотирасида. Очиғини айтганда, саволларга «Хўп бўлади», «Худди шундай», «Асло йўқ» дея аниқ, қисқа жавоб беришни ҳам ўшанда ўрганган.

— Мактабда ўқиб юрганимда қизиқ бир воқеа бўлиб ўтган, — дейди кулимсираб, Баҳромжон. — Биринчи синфда ўқир эдим. Бир куни ўқитувчимиз ҳар бир ўқувчидан «катта бўлганда ким бўлмоқчисан?», дея сўраб чиқди. Биз жавоб бердик. Тўғриси, бу воқеа эсдан чиқиб кетди. Битирув кечасига йиғилганимизда устоз яна ўша саволини такрорлади. Синфдошларнинг бири шифокор, бири ҳуқуқшунос, яна бири муҳандис бўлмоқчиман, дея жавоб беришди. Шундан сўнг, ўн йил олдинги жавобларимиз эълон қилинди. Устоз ўн йил олдинги болалик орзуларимизни иш дафтарига қайд этибгина қолмасдан овозларимизни ҳам ёзиб олган экан. Магнитофонда «Офицер бўламан!» деган овоз янгради. Бу мен эдим. Йиллар фақат менинг орзуимни ўзгартира олмаган эди...

Бошлангич ҳарбий таълим фанида взвод командирининг ўринбосари бўлган, мактабларараро «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг туман, вилоят босқичларида фаол қатнашаётган Баҳромжоннинг офицер бўлишига синфдошлар, дўстлар асло шубҳа қилмаган. Аммо унинг айнан десантчи офицерликка даъвогарлигидан кўпчилик бехабар эди. Айни шу мутахассисликни танлаганига эса мусобақалардан бирининг десантчилар қисмида ўтказилиши сабаб бўлган.

Ҳуллас, билимли, иқтидорли, аниқ мақсад йўлида ҳаракат қиладиган Баҳромжон унча қийналмасдан Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кирди. Аксига олиб бўйи, вазни ҳаво десантчилари учун белгиланган ўлчамга озгина етмади. Аммо тушкунликка тушгани йўқ. У ўз истагига кўра, командирларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари тайёрлаш факультетига қабул қилинди.

Бирданига машғулотлар, навбатчиликлар, ҳарбийча ҳаёт қаърига шўнғиган йигит ҳар жабҳада илғорлар сафида бўлишга ҳаракат қилди. Қийинчиликлардан қўрққани йўқ. Шунинг учун ҳам 2000 йил июнь ойида билим юртининг олди курсантлари қатори НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасидаги «Кооператив баннерс—2000» ўқув машқларида қатнашишга муяссар бўлди. Норвегияда бўлиб ўтган халқаро ўқув машқларида қатнашиш унинг танлаган касбига, мутахассислигига бўлган меҳрини янада оширди юборди. Курсант Зулфиқоров билим юртини фақат аъло баҳолар билан тугаллади.

Ёш, қўл-оёғи чаққон, тиб-интизомли, катта мақсадлар билан яшашга ўрганган офицерни ҳарбий билим юртида олиб қолишди. Таъминот батальонининг десант таъминоти взводида командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида хизмат бошлаган йигитнинг ташкилотчилиги, одамлар билан ишлай олиши ўз самарасини бера бошлади. У бошчилигидаги взвод аскарлари нафақат ўқув машғулотларида, балки, ҳарбий жамоалараро спорт мусобақаларида, бадиий ҳаваскорлик тадбирларида кетма-кет голибликни қўлга кирита бошладилар. Энг қувонарлиси, тарбиячи офицер орзусига тўла эришиб десантчи сифатида 19 март парашютдан сакради.

Мактабда таэквондо билан жиддий шуғулланган бонс, аскарларни жисмоний ва руҳан чиниқтириш, уларни янада аҳил жамоага айлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, интилишлари зое кетгани йўқ. Билим юртида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилаётган спорт байрами катта лейтенант Зулфиқоров бошчилигидаги аскарлар тайёрлаган қўл жанги машқлари билан бошланган эса уларга билим юрти раҳбарияти томонидан билдирилган катта ишонч эди. Қолаверса курсантлар ҳам аскарларнинг чиқишларини мамнуният билан қарши олдилар. Бу эса аскарларни руҳлантириб, ўз имкониятлари катта эканлигига ишонтирди.

Албатта, жамоанинг ютуқлари бу билан чекланган йўқ. Ёш офицер маданий-маърифий ишларни, дам олиш тадбирларини жонлаштириш учун жиддий ҳаракат бошлади. Фаол аскарларни жалб этган ҳолда «Зинама-зина», «Заковат» каби интеллектуал ўйинларга ўхшатиб сценарийлар ишлаб чиқди. Умумҳарбий Низомлар, жанговар қуроллар, тактика, тарих, адабиёт бўйича бериладиган саволларга жавоб бериш, голиб бўлиш учун аскарлар кўпроқ китоб ўқийдиган бўлишди. Китобхонлик даражаси ошди. Бу албатта ёш офицер учун галаба эди.

Ҳуллас, катта лейтенант Зулфиқоров бошчилигидаги взвод қўлга киритаётган ютуқлар умумжамоа ютуқларига муносиб улуш бўлиб қўшилди.

Бугунги кунда мақоламиз қаҳрамонига раҳбарият, командирлар янада катта ишонч билдиришган. У энди билим юрти тарбиявий ишлар бўлимининг жамоат ташкилотлари билан ишлаш офицери. Курсантлар билан ишлашда, маданий-маърифий тадбирларни ташкиллаштиришда, турли олий ўқув юртлари, ташкилот ва муассасалар билан алоқаларни мустаҳкамлашда фаол иштирок этаяпти. Илғорлар ичра илғор.

Шахсий орзуларга, истакларга келсак, улар сони ҳали камайганича йўқ. Келгусида чет элларда ўқиб касбий малакасини янада ошириш, Қуролли Кучлардаги энг билимли офицерлардан бири бўлиш, отлиқ қўшинлар, чавандозлар ҳақидаги фильмларда роллар ижро этиш, Ҳарбий Академияда ўқиш, ҳатто генерал бўлиш шулар жумласидандир.

Ҳа, билими, қатъияти, ички интизоми туфайли бирмабир салмоқли ютуқларни қўлга киритиб келаётган катта лейтенант Баҳромжон Зулфиқоровнинг орзулари жуда кўп. Уларга етиш йўлидаги машаққатлар, захматларни енгиб ўтишга у доим тайёр!

Майор Азимбек УСМОНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

● 31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

Боту вафодорининг қисмати

Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоди Дилшод Ражабов билан қатағон зулми ҳақида кўп суҳбатлашганмиз. У «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасида ишлаган пайти тарихнинг бу қора саҳифаси хусусида кўплаб маълумотларни ўрганган. Шулар асосида китоб, туркум мақолалар тайёрлаган. Ана шундай суҳбатлардан бирида машҳур шоир Боту (Маҳмуд Ходиев)нинг қатағон жабрини тортган турмуш ўртоғи хусусидаги ҳикояси мени қаттиқ таъсирлантирди. Бунинг қисқача тарихини сиз азиз газетхонларга ҳам сўзлаб беришни маъқул топдим.

Тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади, деганларидек қатағонга учраган одамнинг яқинларига ҳам шу тамға ёпиштирилган. Валентина Васильева Москвада талабалик пайтида Боту билан танишади. 1925 йилда уларнинг тўйи бўлиб ўтади. 1927 йилда улар ўқишни тугатиб, Тошкентга қайтадилар. Валентина Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)да дарс бера бошлайди. Боту эса ижодга шўнғийди. Таъкидлаш жоизки, бу аёл қисқа фурсат ичида Ўзбекона урф-одатларни ўзлаштириб олади. Ботунинг уйида Чўлпон, Фитрат, Элбеклар билан бўлган ижодий йиғилишларда Валентина ҳам фаол қатнашарди. Зиёли сифатида ижод аҳли билан дилдан яқин эди. 1930 йилда қутилмаганда унинг эрини халқ душмани сифатида қамоққа олдилар. Сўнгра Москвага олиб кетишиб, учлик қарори билан ўлимга ҳукм этишди. Ботуни ҳар томонлама яхши билган бу аёл унинг ноҳақ айбланганини исботлаш учун турли идораларга мурожаат этиб, чарчамади. Уни ўқитувчиликдан бўшатишди, халқ душманининг хотини, дея камситишди. Бу хўрликлар етмаганидай 1941 йил июль ойида кечаси хонадонига бир машина келади. Халқ уни «қора қарға» деб номлаганди. «Қора қарға» шоирнинг аёлини олиб кетади. Шундан сўнг, Валентинани ҳам «халқ душмани» сифатида 10 йилга озодликдан маҳрум этдилар. Қизи Наима Маҳмудованинг хотирлашича, у университет ходимларининг чақуви билан қамоққа олинган. Аёлнинг иродаси, матонати кучли экан. Ўн йил узоқ Сибирда қамоқ жазосини тортди. 1958 йилда шоирнинг рафиқаси оқланиб, қўйилган айблар асоссиз эканлиги ойдинлашди.



Умрининг охиригача Ботуга муҳаббат ва садоқат билан яшаган бу аёл шоир ҳаёти ва ижодига оид кўплаб муҳим маълумотларни давлат архивига топширди. Бошидан кечирганлари ҳақида хотиралар ёзиб, шоир ҳақида халққа маълумотлар берди. Ҳуллас, давр қанчалар зуғум, тазйиқ қилмасин, нене қулфатларни бошига солмасин, Ботуга бўлган садоқатидан воз кечмади. Фарзандларини зиёли, олим инсонлар қилиб воляга етказди.

Бу ёруғ кунлар тароватидан баҳра олар эканмиз, бундайин инсонларни хотирлаш биз учун фарздир.

Капитан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ДЎСТЛИК

Ботир ҳам, Жонбуз ҳам бирданига сафдошлари билан тил топишиб кетишгани йўқ. Дастлабки кунлар қандайдир бегонасираш туришди. Бир-бирини кўрмаган, билмаган, Кунлар ўтган сайин ётсираш йўқолди.

— Мен ҳозир, — дейди оддий аскар Ботир Еланов, — сафдош дўстларим билан ҳудди болаликдан бирга ўсгандай, қадрдонлашиб кетганман. Мен асли Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидан бўламан. Ҳозир хизмат қилаётган жойимда илғари бўлмаганман. Жанговар дўстларимни ҳам хизматга келиб танидим.

— Мен эса, — дейди оддий аскар Жонбуз Мирзаев, — Тошкент вилоятининг Паркент туманидан бўламан. Аскарликка олинганимда бир қувонган эдим. Аскар бўлгач, яна севинчимга севинч қўшилди. Жуда кўп дўстлар орттирдим. Ойбек, Санжар, Нодирбек...

Бугун Ботирни ҳам, Жонбузни ҳам жанговар дўстларидан айро тасаввур этиб бўлмайди.

— Биз машаққатли машқларни жанговар дўстларимиз билан осонгина бажараяпмиз, — дейди Жонбуз.

— Хурсандчилигимизни бирга баҳам кўраяпмиз, — дейди Ботир мамнун.

Жанговар дўстлар Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллигини шодон кайфият билан қарши олишмоқда.

Сержант А. АЗИЗОВ.

СЕРЖАНТЛАР МАКТАБИДА «КАМОЛОТ КУНЛАРИ»

Маънавий-маърифий тарбиявий ишларга алоҳида эътибор бериш ҳарбий ислоҳотларни янада юқори погонага кўтариш, профессионал асосда шаклланаётган миллий армияни ташкил этишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Айниқса, бу жараёнда давлат ва жамоат ташкилотлари, зиёлилар фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, Истиқлол байрами олдидан Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида Мудофаа вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, «Туркистон» газетаси таҳририяти ҳамкорликда ўтказган «Камолот кунлари» ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

«Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши бўлим бошлиғи Тўхтасин Арслонов ушбу тадбирни очар экан, посбонларни яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан чин юракдан табриклаб, уларга ўқиш ва хизматда муваффақиятлар тилади. Мактабнинг устоз-офицерлари, бўлғуси сержантлари Президентимиз, ҳукуматимизнинг ҳарбий соҳага, ҳар томонлама етук, касбий маҳорати юксак жангчилар тайёрлашга катта аҳамият бераётганини юракдан ҳис қилиб хизмат қилаётганларини таъкидлади.

Таниқли шоирлар, «Туркистон» газетаси бош муҳаррири Салим Ашур, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Қўчқор Норқобил, Зебо Мирзаева кишидан алоҳида матонат, ирода, мардлик талаб этадиган ҳарбийлик касби, Ватан, халқ олдидаги юксак масъулият, ўз Ватанини қўриқлаш, ўз юртининг аскари бўлиш инсон учун нақадар юксак бахт, иқбол эканлиги ҳақида тўлқинланиб гапирдилар, иқтидорли намуналаридан ўқиб бердилар. Шоирларнинг фикр-мулоҳазалари, Она, Ватан, юртга муҳаббат ҳақидаги эҳтиросли шеърларини посбонлар қарсаклар билан кутиб олишди.

«Амир Темур» халқаро хайрия жамғармаси масъул ходими, тарихчи олим Фахриддин Ашрафхўжаевнинг ўзбек давлатчилиги тарихи, миллий озодлик ҳаракатининг улуғ намоёндалари Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Қурбонжон Додхо ҳақидаги маърузаси ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир давомида посбонларга тантанали равишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг байрам туҳфалари — янги бадиий, сиёсий адабиётлар ҳам топширилди. «Камолот кунлари» Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари иштирокида дилрабо куй ва қўшиқлар, рақслар билан давом этди. Тадбир сўнггида сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи полковник Назиржон Сандов меҳмонларни мактабда тингловчиларнинг замон талаблари асосида етарли билим олишлари учун яратилган шарт-шароитлар билан таништириб чиқди.

Шундай қилиб, байрамолди учрашуви ва дилдан суҳбатлар ниҳоясига етди. Улар мезбонларнинг ҳам, меҳмонларнинг ҳам қалбига чексиз қувонч, шодлик бағишлади.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи майор Ислом Иноятов ва Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Қурбонали Аминжоновлар ҳам қатнашдилар.

Майор А. НИЗОМИДДИНОВ.

БОЙСУНЛИК СОЗАНДА АСКАР

— Ҳар бир байрам, тантанада туман ҳокимлиги посбонларимизга маданий тадбирларни уюштиришда ёрдам беради. Масалан, яқинлашиб келаётган истиқлолнинг 12 йиллик тўйини ҳам ажойиб тантана қилишни режалаштирганмиз. Туман ҳокимлиги масъул ходими Бахтиёр Сагатов бу борада ҳеч қачон кўмагини аяган эмас. Куй-қўшиқсиз байрам татимайдида. Аммо посбонларимиз бунга қараб ўтиришмайди. Жамоамизда бадиий ҳаваскорлик гуруҳи бор. Клубда мусиқа асбоб-ускуналари мавжуд. Қарабсизки, байрамга аскарларимизнинг ўзи ҳам тароват бахш этиб турибди-да. Ана шундайлардан бири оддий аскар Сафарали Сафарқулов, — дея мени посбон билан таништирди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Алишер Казаков.

Маълум бўлишича, посбон Сурхондарёнинг Бойсунидан. Бу гўшани билмаган, ақалли эшитмаган одам бўлмаса керак, юртимизда. Табиатини, гўзаллигини қўя туринг, санъатининг ўзи дунёга достон қилса арзигулик. ЮНЕСКО шафеълигида «Бойсун фольклори» халқаро фестивали ўтаётганидан хабарингиз бордир. Бемалол айтиш мумкинки, бу ерда туғилиб, ўсган, шу заминнинг сувини ичган инсон санъатга ошно бўлади. «Шалола» ансамбли, у ҳақдаги фильмларни кўриб, роса мириқаман. Халқона куй-қўшиқ, рақсларга нима етсин. Таърифини келтираверсак, асосий мавзудан чалғиймиз. Хуллас, Сафарали шу заминда туғилиб, ўсган. Болалигидан санъатга меҳри юксаклиги шундан. Амакилари тўйларда куй-қўшиқлари билан халқ хизматида бўлади. Ўзи ҳам улар билан эргашиб, мусиқа асбобларини чалишни ўрганди. Доира, тор каби миллий, «Ямаха» сингари замонавий мусиқа асбобларини қойиллатиб чалади. Муддатли ҳарбий хизматгача мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳайдовчилар тайёрлаш мактабида таҳсил олган. Ҳозирда ҳайдовчилар йигинида билимларини янада мустаҳкамламоқда.

— Мустақилликнинг 12 йиллигига бағишлаб, қисмимизда ўтказиладиган тантанада мусиқий тарафи менинг зиммамда. Ҳозирдан жиддий тайёргарликка киришганман. Айниқса, ватанпарварлик руҳидаги куй-қўшиқларга эътибор қаратмоқчимиз. Қолаверса, замонавий эстрада услубидаги қуйлар, қўшиқлар сафдошларимизни шод этади, деган ниятдаман. Шундай масъулият юкланганидан ғурурланаман, — дейди оддий аскар С. Сафарқулов.

Бойсунлик ҳаваскор созанданинг ижроси, қобилияти сизни қизиқтирган бўлса, марҳамат, байрам тадбирига қадам ранжида қилинг. Шу баҳона аскарларимиз орасида қанчадан-қанча қобилиятли йигитлар борлигига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

Европа ҳам ойга қўл узатмоқда

Европа фазо агентлиги ҳам Ойни забт этишга киришмоқда. Шу йилнинг 4 сентябрида Франциянинг денгизорти департаменти ҳисобланган Гвинадаги Куру оролидан «Смарт-1» фазо кемаси Ойга парвоз қилади.

Учувчисиз бошқариладиган мазкур қурилма парвози аслида шу йилнинг март ойида амалга оширилиши керак эди. Ўтган йилнинг декабрида қурилмани фазога олиб чиқиши керак бўлган «Ариан-5» элтувчи ракетасининг ҳалокати бу режани бирмунча кечиктирди.

Орбитада «Смарт-1» элтувчи ракетадан ажралиб чиқади ва қуёш энергияси ҳисобига парвозини давом эттиради. Қурилма белгиланган манзилга ўн беш ойдан сўнг етиб бориши тахмин қилинмоқда.

«Смарт-1» қурилмасига ион зарядлари билан ишловчи ракета двигатели ўрнатилган. Зарур бўлганда у ўзидаги қуёш батареяларидан оладиган энергия ёрдамида тезлигини ошириши мумкин.

Қурилма рентген нурлари ёрдамида Ойнинг харитасини тузиб чиқиши керак. Барча тадқиқотлар Ой атрофидаги парвоз жараёнида амалга оширилади. Қурилманинг Ойга қўндирилиши кўзда тутилмаган.

Европа фазо агентлигининг ушбу тажрибаси муваффақиятли якунланса, жаҳон оммаси Ойнинг дунёга келиши тарихидан бохабар бўлиши шубҳасиз. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, «Смарт-1» тоифасидаги технология амалиётда фақат бир марта. АҚШ фазони тадқиқ этиш ва аэронавтика миллий маркази (НАСА) томонидан қўлланилган эди.

(ЎзА).

● СОҒЛИҚ — БЕБАҲО БОЙЛИК

Ҳарбийлар саломатлигини сақлаб

Ҳаётда шундай нарсалар бор-ки, уларни дунёнинг ҳеч қандай бойлигига алмашмайсан, киши. Айнан шунинг учун уларга нисбатан «бебаҳо» деб таъриф берилади. Соғлиқ ҳам шулар жумласидандир. Бироқ, аксарият ҳолларда соғ-саломат пайтимизда унинг қадрига етмаймиз. Бу эса халқимизнинг: «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» мақолига яққол мисолдир. Яхшиям-ки, бахтимизга соғлигимиз ҳимоячилари, хасталикка чалинганлар жонига оро кирувчи — шифокорлар бор. Суҳбатдошим ҳам айнан шу касб эгаларидан бири.

У асли Андижондан бўлиб, ширандан-шакар иккита фарзандининг отаси. Андижон тиббиёт институтини муваффақиятли тамомлагач, шаҳар тез ёрдам хизматида ишлаган. Ҳарбий факультетини Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида бошлаган. Сўнгра махсус батальон тиббий хизмат бошлиғи лавозимигача кўтарилган. Мана уч йилдирки, десантчилар қисмида тиббий хизмат бошлиғи. Юқорида келтирилган лавҳалар майор Александр Аннинг босиб ўтган ҳаётий йўлидан олинган.

— Ҳарбий хизматчилар соғлигини сақлаш мақсадида қисмларда қандай чора-тадбирлар кўрилади?

— Қандай ҳарбий қисм бўлишидан қатъи назар, тиббий хизмат ходимларининг вазифаси бир хил. Яъни, бу — шахсий таркиб саломатлиги профилактикаси бўлиб, бутун диққат-эътибор, бор куч турли касалликлар олдини олишга қаратилади. Бунинг ичига шахсий таркибнинг кундалик тиббий назорати, уларнинг жойлашувини, овқатларини, сув таъминотини доимий кўрикдан ўтказиб туриш; ювиниш ҳамда кир ювишда санитария-гигиена қоидалари бузилмаслигининг назорати; нафақат дала-ўқув машғулотларида балки кундалик жисмоний фаолият пайтида ҳам ҳарбий хизматчилар устидан назоратни сусайтирмаслик кабилар киради. Маълумки, буларнинг барчаси аскарларнинг жанговар шайлигига ўз таъсирини ўтказади. Шу билан бирга табиат инжиқликларини ҳам унутмаган ҳолда уларга олдиндан пухта тайёргарлик кўрилади. Масалан, қишда ва об-ҳавоси ўзгарувчан баҳорда шамоллаш ҳоллари кўп учраши табиий. Демак, аскарларнинг фаслга монанд кийинишини, қайнатилмаган сув ичмаслигини кузатамиз. Ёзда кенг тарқалувчи тери касалликлари, кузда — ичак касалликларига қарши тадбирлар қўлланилади.

— Назарий билимлар ҳам берилса керак?

— Ҳа, албатта. Муайян жадвал асосида қисмларда шахсий таркиб билан ҳарбий тиббий тайёргарлик бўйича машғулотлар бўлиб ўтади. Уларни қисм тиббий пунктларининг етакчи ходимлари ўтказади. Масалан, тиббий хизмат капитанлари — Абдувоҳид Ботиров, Толибжон Парпиев, фельдшерлар — шартнома бўйича ҳизмат қичик сержантлари Акмал Мўйдинов, Абдурашид Аҳмаджоновларнинг фидокорона меҳнатларини аълоҳида таъкидлаш мумкин. Машғулотларнинг мазмунли ва тушунарли ўтиши учун махсус ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуролларимиз ҳам бор. Аскарларимизнинг бундай машғулотларга қизиқиши катта. Қўпинча қўшимча дарслар ўтишимизни илтимос қилишади.

Майор А. Ан билан суҳбатимиз чоғида ундаги шифокорларга хос бағрикенглик ҳамда ҳарбийча дадилликни сездим. Ҳайрлашиш чоғида: «Бундай улуғ айёмларни. Мустақиллик байрамларининг кўпини соғлик-саломатликда кутиб олаверайлик», деб қолди.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Хизмат давомида янги марраларни забт этишингизда дўстларингиз ёрдам беради. Сафдошингиз таътилга ёки хизмат сафарига кетиши мумкин. Фарзандларингизга эътиборлироқ бўлинг. Хизматдошлар билан дўстона муносабатлар. Командирлардан узоқроқ бўлинг, бошқалар хатоси учун жавобгар бўлиб қолманг. Душанба, чоршанба ва жума — сиз учун омадли кун.

БУЗОҚ. Ёмон нарсалар ҳақида ўйламанг. Сафар ва музокаралар учун қулай вақт. Муҳим қарорга келишингизга тўғри келади. Ўзингизни ўзингиз алдамасангиз, ҳеч ким сизни алдамайди. Уйда ҳаммаси жойида. Хизматингизни ҳалол бажаришда давом этинг.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳаммаси жойида. Бизнес ва маблағ борасида бир оз қийинчилик бўлиши мумкин. Шунга қарамасдан жамоадошлар билан жуда яхши муносабатлар. Уйлаган ишингизни амалга оширсангиз бўлади, омад сиз томонда. Куч-қувватингиз ортади. Сафдошлар билан кўпроқ мулоқотда бўлинг.

ҚИСҚИЧБАҚА. Қўшимча даромад келиши мумкин. Банк ва солиқ ходимлари билан яхши алоқалар тикланади. Сафдошлар ва севган кишингиз билан яхши муносабатлар. Ҳафта бошида командирингиз сафарга кетиши мумкин. Омадли кунлар — чоршанба ва жума.

АРСЛОН. Қизиқарли ғоялар, муҳим режалар мавқеингизни оширишига сабаб бўлади. Сафарлар, музокаралар ва ҳужжатларни расмийлаштириш омадли якунланади. Уйингизни таъмирлаш ва янги қурилишлар учун қулай вақт. Лекин, қарзга пул олманг. Сафдошлар ўртасида яхши муносабатлар янада мустаҳкамланади. Аммо, ҳаммага ҳам ишонаверманг.

ПАРИЗОД. Ҳафта бир маромда давом этади. Севги бобида омад кулиб боқади. Хизматингизда яхши натижаларга эришасиз. Фарзандлар билан муносабатлар кўнгилдагидек. Қўшимча даромадга эга бўласиз. Командирлар билан бир оз келишмовчилик юзага келиши мумкин. Шошилинч қарорлар қабул қилманг.

ТАРОЗУ. Даромадингиз ёмон эмас. Сафарга отланишингиз ва ҳужжатларни расмийлаштиришингиз мумкин, омад сиз томонда. Хизматдошлар билан тортишмаганингиз маъқул. Оилада — ҳаммаси жойида. Омадли кунлар — сешанба ва шанба.

ЧАЁН. Кайфиятингиз аъло. Узоқ сафар билан боғлиқ қўшимча даромад олишингиз мумкин. Сафдошлар ва командирлар билан жуда яхши муносабатлар. Куч-қувватингиз ортади. Сешанба, жума ва шанба — сиз учун омадли кунлар.

ЎҚОТАР. Дўстларингиз ёрдамига суянинг. Ҳўжалик ишларида ёки уйингизни таъмирлашга кўп куч сарфлашингизга тўғри келади. Қизиқарли режалар пайдо бўлади, лекин командирингиз йўқ бўлса панд бериши мумкин. Табиат бағрида дам олишингиз тавсия этилади. Душанба ва чоршанба кунлари омад сиз томонда.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ажойиб ишчан кайфиятдасиз. Рулни бошқараётганда эътиборли бўлинг. Акс ҳолда йўл назоратчилари томонидан танбеҳ олишингиз мумкин. Сафдошлар билан яхши муносабатлар. Узоқ хизмат сафарига чиқишингиз мумкин. Севган кишингиз ва фарзандларингиз билан ҳам жуда яхши муносабатлар. Омадли кун — пайшанба ва жума.

ҚОВҒА. Кайфиятингизни туширманг. Асосий ва қўшимча даромадга эга бўласиз. Жамоада ҳурматингиз баланд. Шахсий ҳаётингизда кўнгилли воқеалар бўлиши мумкин. Душанба, сешанба ва шанба — сиз учун омадли кун.

БАЛИҚ. Қизиқарли ғоялар келади, жамоада обрўингиз ошади. Даромад сари интилманг ва бу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қилинг. Хизмат сафарлари ва бу билан боғлиқ барча ишлар муваффақиятли бўлади. Севган одамингизга эътиборлироқ бўлинг, акс ҳолда ҳафалашиб қолишингиз мумкин. Сафдошлар билан муносабатларда эҳтиёт бўлинг, бир-бирингизга нисбатан тушунмовчилик юзага келишига йўл қўйманг. Омадли кун — чоршанба ва шанба.

Истиқлол юртимизда спортнинг гуллаб-яшнашига кенг имкон берди. Қисқа вақт ичида ўзбекнинг асл фарзандлари халқаро мусобақаларда ғолиблик нашидасини суриб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришди. Биргина ўзбек кураши миллатни дунёга янада танитмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони эса спортни, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда яна бир муҳим қадам бўлди. Боғчада, мактабда спорт билан шуғулланаётган бу бахтли авлодни қаранг. Улар эртага етук инсонлар, буюк келажагимизнинг баркамол, соғлом эгалари бўлишади.

12

Александр МРУЧАК суратга олган.





● ФУТБОЛ: СБОРНАЯ-2003

Успех вдохновляет и обнадеживает

СБОРНАЯ ЛАТВИИ — СБОРНАЯ УЗБЕКИСТАНА — 0:3.

ГОЛЫ: 0:1 — А. Акопянц (41), 0:2 — А. Солиев (79), 0:3 — А. Гейнрих (86).

Перед поездкой нашей сборной в Латвию на товарищеский матч с командой этой страны мне удалось побеседовать с некоторыми футболистами столичного «Пахтакора», входящими в состав сборной. Леонид Кошелев, Анвар Солиев говорили о высоком настрое, царящем в коллективе, и неуемном желании продемонстрировать высококласный футбол, ну и, конечно же, победить. Слова спортсменов не разошлись с делом. Сборная Узбекистана одержала красивую победу и тем самым доказала, что футбол у нас в стране заметно прогрессирует, а его качественная сторона улучшается день от дня.

Если на недавний сбор в Германию команда Равшана Хайдарова отправлялась, не имея в своем составе практически никого из легионеров, то на сей раз футболисты, выступающие за ведущие клубы России и Украины, почти все встали под ее знамена, и данное обстоятельство не замедлило сказаться на игре сборной. К тому же два гола из трех записали в ее актив именно легионеры. Напомню, что наставник узбекистанцев пригласил вратаря А. Полякова («Крылья Советов»), А. Акопянца и Н. Ширшова («Ростов»), А. Федорова («Рубин»), А. Хвастунова («Черноморец»), В. Карпенко («Шинник»), В. Шишелова («Зимбру»), М. Шацких («Динамо»), А. Гейнрих (ЦСКА) и Б. Ашурматова («Торпедо — Металлург»). Как видите, все они представляют высшие лиги, а значит, и опыт у них довольно солидный. Правда, в своих клубах особой результативностью футболисты не блещут, за исключением разве что Виктора Карпенко и Максима Шацких, которым тренеры постоянно доверяют место в основном составе.

Цель, преследуемая этим да и последующими товарищескими матчами, одна — качественно подготовиться к отборочным матчам группового турнира, который, как известно, будет проходить в два этапа — 6—10 ноября в Ташкенте и 17—21 — в Таиланде. Равшан Хайдаров, как говорится, работает с дальним прицелом и хотя до начала официальных встреч времени остается еще предостаточно, он уже сейчас стремится определить коэффициент полезного действия каждого игрока, чтобы потом, имея предельно обширную базу данных, не допустить промахов в определении наиболее оптимального состава. Что ж, будем надеяться, что такая заблаговременная активность наставника сборной принесет нужный результат, и команда Узбекистана сумеет не только пробиться в финальную часть чемпионата Азии, но и войти, по крайней мере, в число призеров этих ответственных соревнований.

А теперь, давайте, вернемся к самой игре, состоявшейся 20 августа на стадионе «Сконто». Сборная Узбекистана впервые посетила прибалтийскую страну и была для поклонников футбола Латвии, как, впрочем, и для самих игроков, почистине темной лошадкой. Как правило, в таких случаях соперник старается действовать максимально собранно, постоянно находясь в готовности к подстерегающим неожиданностям. Мне же кажется, что хозяева поля, основу которых составляли футболисты двенадцатикратного чемпиона Латвии — команды «Сконто», попросту недооценили сил и возможностей нашей сборной.

Первый тайм проходил примерно в равной борьбе. Узбекистанцы, не забывая об обороне своих ворот, время от времени нащупывали слабые места и в стане сборной Латвии. И в конечном итоге нашли их. Под занавес первой половины игры, а точнее, на 41-й минуте, Андрей Акопянц вывел команду Узбекистана вперед.

То, что латвийские футболисты кинутся наверстывать упущенное, — сомнений не было. Но как ни старались подопечные А. Старкова, провести хоть одну результативную атаку им не удавалось. С каждой минутой напряжение возрастало, в игре хозяев чувствовалась нервозность, что было только на руку узбекистанцам. Они умело контролировали мяч, нередко делая острые контрвыпады, два из которых завершились взятием ворот. На 79-й минуте Анвар Солиев делает счет 0:2, и всем становится ясно, что игра, в общем-то, сделана. Неудача сильно расстроила футболистов Латвии, пропустивших в итоге и третий мяч. Отличился игрок московского ЦСКА Александр Гейнрих. К этому моменту секундомер отсчитывал 86-ю минуту встречи.

Сборная Узбекистана победила, победила в прекрасном стиле и, думается, заставила теперь с собой считаться и европейские команды. Нам же остается только радоваться такому успеху и ждать новых, не менее громких и звучных побед.

Ярослав КОРУКА.

ФЕДЕРАЦИЯЛАР ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси (МОҚ) ва спорт федерацияларининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида ўзаро уч томонлама шартномалар имзоланди.

Ҳужжатларга давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К. Юсупов ва МОҚ президенти А. Носиров, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А. Миркосимов ҳамда бадминтон, бокс, шахмат, сув полоси, қўл тўпи, от спорти, бадиий гимнастика миллий федерациялари президентлари ва спорт курашлари уюшмаси вакиллари имзо чекди.

— Ушбу ҳужжатларни имзолашдан мақсад, — деди Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К. Юсупов ЎзА мухбирига, — миллий федерацияларнинг жамиятимиздаги ролини кучайтиришдир. Дунё тажрибасидан келиб чиқилса, спортни ривожланган давлатларда миллий федерациялар раҳбарлари ўзи бошчилик қилаётган спорт турининг истиқболи учун асосий масъул шахс ҳисобланади. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси эса спорт соҳасини, шу жумладан, федерациялар фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи органдир. Ўйлайманки, федерациялар билан шартнома асосида ишлаш юртимизда спортни янада равнақ топишида кенг имкониятлар очади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 7. Испания футбол командаси. 8. Қадимда қуроллар ясалган, бўёқчиликда ишлатиладиган кварцли маъдан. 10. Асосан Жанубий-шарқий Осиёдаги оролларда мамлакатида яшовчи миллат. 11. Бинонинг ёруғлик тушадиган қисми. 12. Сут маҳсулоти. 16. Ёруғлик ва нурни яхши ўтказувчи тиниқ ранг. 18. Серуруғ ҳўл мева. 19. Электр миқдори ўлчови. 20. Италия жанубидаги порт шаҳар. 21. Хабар. 25. Майда пул. 26. Юза бирлигига тўғри келувчи куч. 27. Ешлар газетаси. 30. Хорижий валюта. 33. Шолипоя ўсадиган ўт. 34. Кучли, жасоратли инсон. 35. Европадаги лолазор мамлакат. 36. Бирор нарсанинг маълум нуқтага нисбатан қарама-қарши томонда жойлашган қисмлари ўртасидаги мутаносиблик.

БЎЙИГА: 1. Ҳарбий унвон. 2. Қотишма металл. 3. Импульс равишда отилиб чиқиб турувчи энергиянинг энг кичик миқдори. 4. Тўғри бурчакли учбурчак томони. 5. Миллий суюқ таом. 6. Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган қадимий давлат ҳукмдорлари номи. 9. Пилнома. 13. Фарғона водийсидаги сув омбори. 14. Ғарбий Зиёвуддин тоғлари билан шарқда Жом чўли оралигидаги тоғлик. 15. Ғарбий Африкадаги давлат. 17. Самарқанд вилояти тумани. 22. Оптик асбоб. 23. Шоҳмот бўйича еттинчи жаҳон чемпиони. 24. Тилшунослик бўлими. 28. Арис дарёси водийсидаги ўрта аср тарихий шаҳри. 29. «Юсуф ва Зулайҳо» достонини ёзиб қолдирган мумтоз шоир. 31. Кимёвий элемент. 32. Ўқимишлилик даражаси, маълумот.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 99-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 7. Жомий. 8. Архар. 9. Тақир. 12. Синоптик. 13. Одеколон. 14. Умр. 15. Наср. 16. Азон. 19. Акт. 22. Эвкалипт. 23. Озокерит. 24. Ангор. 25. Аршин. 26. Попов.

БЎЙИГА: 1. Лочин. 2. Шимол. 3. Прокуратура. 4. Лаборатория. 5. Қарор. 6. Лимон. 10. Стеарин. 11. Мезозой. 17. Квант. 18. Камон. 20. Девон. 21. Хитой.

ТАБРИКНОМА

Шартнома бўйича хизмат сержанти Уйғун МАЪМУРОВга!

Қадрли дўстим! 31 август таваллуд топган кунинг билан самимий муборакбод этаман. Кучингга куч, гайратингга гайрат қўшилаверсин. Ҳамиша соғ бўл!

Биз дўстларинг Қуролли Кучларимиз сафида сендай мард, жасур йигитлар хизмат қилаётганлиги билан фахрланамиз!

Сафдошларинг номидан: лейтенант Ринат Газарев.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУҚАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Газета выходит по вторникам, четвергам и субботам.

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82; отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0320.